

**Бухоро Давлат Университети
Тарих-география факультети
Ўзбекистон тарихи кафедраси.**

**ЎРТА ОСИЁДА ИЛК ДАВЛАТЛАР
ВА ШАҲАРЛАР ТАРИХИ.
(маърузалар тўплами).**

Тузувчи: т.ф.н. М.Ниёзова.

Бухоро-2008 йил.

Мавзу № 1:

Тарихий-география: Этногенез ва этник тарих.

Режа:

1. Урта Осиёдаги кадимги элатларнинг жойлашиши.
2. Милоддан аввалги II-I мингйилликларда содир булган тарихий жараёнлар.
3. Узбек халкининг асосий даврлари.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. «Тарихий хотирасиз келажак йук» Т., 1998 й.
2. Гуломов Я.Г. «Хоразмнинг сугорилиш тарихи» Т., 1959 й.
3. История Узбекистана в источниках. Тузувчи Б. В. Лунин. Т., 1984 й.
4. Жабборов И.М. «Узбек халки этнографияси». Т., 1994 й.
5. Саъдуллаев А.С. «Культура юга Средней Азии 7-4 вв. до н.э.» Т., 1987 й.
6. Кабиров Ж., Саъдуллаев А. «Урта Осиё археологияси» Т., 1990 й.
7. Узбекистон тарихи. Муаллифлар жамоаси. 1997 й.

Урта Осиё худудида сунгги бронза ва илк темир даврида булиб утган этник жараёнлар нафакат Урта Осиё, балки кейинги даврларда Хиндистондан Жануби-Шаркий Европагача булган кушни давлатларнинг ривожланишида катта ахамиятга эга эди.

Бу давр Урта Осиё этник тарихини урганишнинг мушкуллиги ёзма манбаларнинг йуклиги ва археологик манбаларнинг тулик ва аник маълумотлар бера олмаслигидан иборатдир. Шунга карамасдан кейинги давр маълумотлари, тарихий-лингвистик маълумотлар ва хар куни купайиб бораётган археологик манбалар бу сохада бир неча мухим ва анча аник хулосаларни чиқаришга имконият беради.

Урта Осиё ҳақидаги дастлабки ёзма манбалар бу ҳудудда милoddан аввалги 7-6 асрларда эрон тилида сузлашадиган этник гуруҳга мансуб бир неча халк ва элатларнинг- сугдлар, бактрияликлар, маргиёналиклар, хоразмийлар, парфияликлар, саклар ва хоказолар яшаганлиги тугрисида маълумот берадилар. Бу халклар ва айниқса хоразмийлар, сугдликлар ва бактрияликлар асосида урта асрларда (11-12 асрлар) узбек халки шаклланади.

Биз урганаётган даврга келиб хар бир элат бирон ҳудудни узлаштириб шу ер ҳам уларга мос ном билан аталган: бактрияликлар- Бактрия, сугдликлар- Сугдиёна, хоразмийлар- Хоразм, маргиёналиклар- Маргиёна, парфияликлар- Парфия. Кучманчи халклар ва хусусан сакларнинг ривожланиши археологик маълумотларга караганда милoddан аввалги 6 асрга бориб такалади.

Урта Осиёда милoddан аввалги 7-6 асрлардан олдин ҳам эронча тилда сузлашадиган халкларнинг яшаганлигини милoddан аввалги 1 мингйилликнинг дастлабки асрларида Хоразмда яратилган мукаддас «Авесто» китоби ҳам тасдиқлайди. Бу асарда шунингдек Урта Осиё вилоятлари ва уларга туташ ҳудудлар ҳам эслатиб утилади: Сугд, Маргиёна, Хоразм, Бактрия ва хоказолар.

Шунингдек «Авесто»да яримафсонавий «Арёнам Вайжо» яъни «Орийлар юрти» тугрисидаги хотиралар ҳам мавжуд. Бу ҳудуд орийларнинг дастлабки яшаган жойи ҳисобланган. Купгина олимлар бу юртни Хоразм билан боғлайдилар. Аммо, фикримизча бу нафакат Хоразм балки кенгрок бутун Урта Осиё ва унга шимолда туташ вилоятлар ҳам кирган.

Урта Осиё вилоятларнинг энг кадимги номлари Яснанинг 3 китоби ва Видевдатнинг 1 китобида санаб утилади.

Яснадаги давлатлар руйхатида бу эронча тилда сузлашувчи элатларнинг ватани «Арёнам Вайжо» ёки «Орийлар юрти». Бу юртда куплаб яйловлар, узун тоғлар, куллар ва дарёлар мавжуд. Бу юртдан кейин Поруту, Иската, Моуру, Гова, Сугда, Хваризам юртлари санаб утилади.

Ясна китобида орийлар юрти тугрисида куйидагича ёзиб утилади: «Бу юртнинг кушинлари купгина юришлар уюштирадилар, кенг яйловларда купгина молларни бокадилар».

«Видевдат» китобида зардуштийларнинг улуг ва доно худоси Ахурамазда пайгамбар Заратуштрага куйидагиларни хабар қилади: «Спитама

Заратуштра. Одамлар яшайдиган жойларда бахт кам булса ҳам Мен уларга тинчлик ва хотиржамлик яратганман. Биринчи булиб Мен Одамлар учун Ванхви Датъё дарёси буйида энг яхши юрт булган Арёнам Вайжога асос солдим.

Иккинчидан, Мен Ахурамазда, энг яхши юртлардан бири Гава Сугдуга асос солдим.

Учинчидан, Мен Ахурамазда энг яхши юртлардан бири кудратли Моуруга асос солдим.

Туртинчидан, Мен Ахурамазда энг яхши юртлардан бири баланд байрокли ва гузал Бахдига асос солдим».

Видевдатнинг биринчи бобида санаб утилган юртлар Яснада келтирилган юртлар руйхатидан фарк килади: Арёнам Вайжо, Гава, Моуру, Бахди, Нисайё, Аръё, Урва, Хнанта, Рага, Чахро, Варна ва исмсиз Хиндистоннинг 7та вилояти.

«Авесто» матнларида Урта Осиё чегаралари Афғонистон, шимоли-шаркий Эрон ва Урта Шарк чегаралари билан боғланади.

Арёнам Вайжо бу олимларнинг фикрича Эроннинг кенг худудида жойлашган вилоят булган. Бу ерда баланд Помир, Хиндикуш, Гисар, Тяньшань тоглари, чукур Каспий, Орол, Балхаш, Иссикул куллари, кенг Амударё ва Сирдарё дарёлари жойлашган.

Видевдатнинг алохида махсус бобида Арёнам Вайжонинг Ванхви Датъё дарёси буйида жойлашганлиги ёзиб утилади.

Арёнам Вайжонинг чегаралари тугрисида «Авесто»да аник маълумотлар йук. Бу ерда у баланд тоғлик худуд деб эслатилади. Ванхви Датъё дарёси қайси дарё эканлиги маълум эмас. Баъзи олимларнинг фикрича бу Амударёдир.

Шунингдек «Авесто»да яна бир кенг дарё Ранха ҳам эслатилади. Баъзи олимларнинг фикрича бу Сирдарёдир. Қадимги Юнон олимларининг маълумотларига қура эса скифлар тилида Ра бу Волгадир.

«Авесто»да исми келтирилган бошқа дарёлар: Зарнушат, Витанхухат, Фразданларнинг ҳозирда қайси дарё эканликлари бизга номаълум. Зарнумат олтин дарё деган маънони билдиради. Бу тушунча Зарафшон (олтин келтирувчи) номида сакланиб қолган.

«Авесто»да келтирилган мамлакатларнинг номланиши ахамонийлар шохларининг миҳхатсимон ёзувлари ва Юнон тарихчиларининг асарларида ҳам такрорланади.

Шундай қилиб, бу манбалар Урта Осиё ва унга туташ худудлар орий қабиаларининг маркази томонидан узлаштирилганлиги ва уларнинг қадимда жойлашган вилоятларидан бири эканлигини тасдиқлайди. Асрлар давомида Урта Осиёда қолиб қетган эрон тилли элатлар ҳозирги Урта Осиё халқларининг аجدодлари ҳисобланадилар.

Кейинчалик асосан бактрияликлар, сугдликлар, ҳоразмликлар ва қисман бошқа этник гуруҳлар (туркий қавмлар) асосида ўзбек халқи шаклланади. Милоддан аввалги 3-2 асрлар ва милоднинг дастлабки асрларида туркий тилли қуплаб қавмларнинг Урта Осиёга қучиб қелиши

содир булади. Бу аҳоли Урта Осиё этник тарихида муҳим роль уйнай бошлайди.

Бу даврда этник бирлашмаларнинг чегаралари аниқ эмас эди, этник қучишлар ҳарвақт содир булар эди. Бу жараён нафакат қардош элатлар, балки бир-биридан турмуш тарзи, маданияти ва ҳоказолар билан кескин фарқ қилувчи элатлар уртасида ҳам содир булган. Масалан: қучманчи ва утрок аҳоли уртасида. Қучманчиларнинг утроклашуви, уларнинг утрок ҳаёт тарзига утиши, уларнинг шаҳарлардаги аҳолига қушилуви бу жараёнлар Урта Осиё ҳудудида минг йиллар давомида давом этгандир. Шунингдек рус элатлари ҳам ҳудудлари яқинлиги туфайли Урта Осиё элатлари билан турли маданий, иқтисодий ва этник алоқалар урнатганлар. Бу қисман ёки умумий икки тиллик ва уз она тилини унутиш, маданий жихатдан бир-бирининг ютуқларидан фойдаланиш, янги ҳужалик-маданий типларнинг пайдо бўлишига олиб келган.

Ўзбекистон тарихида ўзбек халқининг қелиб чиқишини қайси даврдан урганиш тугрисида аниқ бир фикр мавжуд эмас.

Баъзи олимлар ўзбек халқининг этногенезини бу халқга ёзма манбаларда ўзбек деб ном берилган даврдан бошлаб урганиш керак деб ҳисоблайдилар. Иккинчи гуруҳ олимлар эса ўзбек халқининг қелиб чиқишини янада қадимроқ даврлардан бошлаш керак деб ҳисоблайдилар. Биринчи гуруҳ тарафдорлари ўзбек халқининг қелиб чиқишини сак-массагетлар, сугдликлар, ҳоразмийлар ва ҳоказолар номи қелтирилган Бехистун миҳхатсимон ёзувларидан бошлаб урганиш керак деб ҳисоблайдилар. Бизнинг фикримизча, ўзбек халқининг тарихини янада қадимийроқ даврлардан урганиш керак деб ҳисоблайдиган иккинчи гуруҳ олимлар ҳақдирлар.

Айниқса, охириги 20-25 йил давомида Ўзбекистон ва ўзбек халқининг тарихини урганишда катта қилжишлар содир булган.

Фаргона водийсидаги Селунгур (1985 й., У. Исломов) ва Тешиктошда (1938 й., Окладников) олиб қорилган археологик тадқиқотлар Урта Осиё ҳам Африка ва Яқин Шарқ қаторида қомонавий қиёқали одамнинг пайдо бўлиш қасқанларидан бири эканлигини тақдиқладилар. Антропологик маълумотлар Урта Осиё ва ҳусусан Ўзбекистон қонголоид ирки шаклланган қасқанлардан бири эканлиги тугрисидаги гипотезани тақдиқладилар. Шунинг учун ўзбек халқининг қелиб чиқишини урганиш қадимийроқ даврлардан бошлаш керак. Урта Осиё ақолисининг асосий қисми Урта Осиё икки қарё оралиги, ёки бошқача қилиб айтганда қомир-фаргона (ўзбеклар, тожиклар) иркига қансубдирлар. Бу қатта европеоид иркининг қичик ирк типларидан биридир.

Бу иркининг пайдо бўлиши тугрисида бир неча гипотеза мавжуд. Уларнинг бирига қура бу ирк янада қадимийроқ Урта Осиёда тарқалган европеоид иркининг асосида пайдо булган. Яна бир гипотезага қура европеоид иркининг қилодий 1 қингйилликда трансформацияси натиқасида бу ирк вужудга қелган.

Милодий 1 мингйилликнинг урталарида монголоид иркли турк кабилаларининг кучиши содир булади. Аммо дастлабки даврларда бу жараён унчалик катта ахамиятга эга булмайди.

Кейинги асрларда Урта Осиё икки дарё оралиги иркининг ривожланиши давом этади ва hozирда бу ирк катта узгаришларни уз бошидан кечирган.

Урта Осиё тарих фанида узбек халкининг келиб чикишига замин яратган Урта Осиё икки дарё оралиги иркининг каерда ва качон вужудга келганлиги тугрисида аник бир фикр йук.

Биринчи гурух олимларнинг фикрига кура Урта Осиё икки дарё оралиги ирки айнан шу худудда 6-8 минг йил олдин пайдо булган. Иккинчи гурух олимлар эса бундан 3 минг йил олдин, учинчи гурух олимларнинг фикрига кура эса бу ирк 16 асрда шайбонийлар давлатининг шаклланиши даврида пайдо булгандир. Антропологик тадкикотлар натижасида, антропологик материаллар асосида шу нарса аникланганки Урта Осиё икки дарё оралиги ирки бундан 2200-2300 йил олдин пайдо булган.

Катор илмий ишларда узбек халки шаклланишининг 8 та асосий даври кайд этилади. Бу даврлар ахамонийлар боскинидан бошланиб Урта Осиёда шайбонийлар хукмронлигининг урнатилиши билан тугалланади. Хакикатан хам бу боскинлар Урта Осиёда изсиз йуколиб кетмай, уз таъсирини утказган. Бу таъсир айникса маданият, тил ва турмуш тарзида яккол сезилиб туради. Аммо шуни хам таъкидлаб утиш керакки бу боскинлар ва келгинди хукмдорларнинг хокимияти махаллий ахолининг этник ва иркий тарихига кам таъсир этган. Антропологик жихатдан каралганда улар махаллий ахолининг «кони» ва генетикасини узгартира олмаганлар. Чунки куп холларда махаллий ахолининг сони боскинчи келгиндиларга караганда купрок булган ва айнан келгиндилар махаллий ахоли билан аралашиб йуколиб кетганлар. Улар уз тиллари, дини ва аста-секин ташки курунишларини йукотиб борганлар. Бошка холларда келгиндилар янги халк, янги этник гурух ташкил этганлар. Лекин бу этник гурух аввалгидан анча фарк килган. Антропологик тадкикотларга кура Узбекистон худудида махаллий ахоли келгиндиларга караганда факат купрок булган.

Антропологик тадкикотларда узбек халки шаклланишининг асосий 3 даври кайд этилади:

1. Милоддан аввалги 3-2 мингйилликларда Урта Осиёнинг чул районларида антропологик куруниш вужудга келади. Дастлаб бу куруниш Сирдарёнинг урта окими (Тошкент вохаси), Фаргона водийсида пайдо булади. Милоддан аввалги 1 мингйилликнинг охирида бу ахолии Хоразм ва жанубий Козогистоннинг Чимкент вилояти ва Еттисувда пайдо булади. Милоддан аввалги 3-2 асрларда бу ахоли турли тармоklar оркали Марказий Осиёнинг марказий ва жанубий худудларига кириб борадилар.

2. Бу жараён ёзма манбаларда тилга олинган булиб, Юнон-Бактриянинг юэ-чжилар томонидан босиб оlinиши ва Буюк Кушон Империясининг тузилиши даврига тугри келади. Юэ-чжиларнинг юриши тугрисидаги антропологик тадкикотлар куйидаги маълумотларни беради:

Сирдарё паст окимининг чул худудларида яшовчи кучманчи ва яримкучманчи кабилалар Марказий Кизилкум (Учкудук, Тошди, Юзкудук)дан утиб бир қисми Самарканд атрофида (Каттакургон) урнашган. Колган қисми эса Қарши (Еркургон) орқали Сурхандарёга (Кухна Термиз, Далварзин, Шохтепа, Айрапош) утиб бу ердаги катта шаҳар ва қишлоқларда урнашганлар.

Бу кучманчи ва яримкучманчи аҳолининг иккинчи гуруҳи қадимги Бухоро воҳаси орқали Туркменистоннинг жанубий вилоятларига утганлар. Натижада текисликларда ўзбек ва тожик антропологик типини кенг тарқалади.

Ўзбек халқи шаклланишидаги иккинчи энг муҳим давр 9-12 асрлар саналади. Бу даврда Урта Осиёда ва айниқса Ўзбекистон худудида аҳолининг асосий қисми ўзбек антропологик типга утганларю Антропологик тадқиқотлар ва уларнинг натижаларига қура бу даврнинг ўзи 2 та бўлимга бўлинади: 1.9-10 асрлар; 2. 11-12 асрлар. Ўзбекистон худудида 9 асрда маҳаллий аҳолининг антропологик қурилишида муҳим ўзгаришлар содир бўлди.

Ўзбекларнинг халқ сифатида шаклланиши фанда 11-12 аср деб белгиланган. Бу жараён 9-10 асрларда бошланган.

Мунгул босқинлари натижасида Ўзбекистон аҳолисининг ташқи қурилиши деярли ўзгармаган. Мунгул давлатининг аҳолиси 6-7 миллион кишидан иборат бўлган. Агар 6 кишидан 1 тасини ҳарбий ишга чақирган деб белгилаб оласак, шунда мунгул қушинларининг умумий сони 100-110 минг кишидан иборат бўлган. Хитойга юриш даврида (1211,1215 йиллар) Чингизхон узининг қуплаб аскарларидан ажралган ва қушинини туркий тилли аҳоли ҳисобидан тулдириб олган. Шундай қилиб, Чингизхоннинг Хоразмшоҳлар давлатига ҳужум қилган пайтда унинг қушини асосан туркий тилли аҳолидан иборат бўлган. Шунинг учун ҳам мунгул босқини Урта Осиё аҳолисининг ташқи қурилиши ва антропологик типига таъсир утказа олмаган. Маҳаллий аҳолида монголоид иркининг ҳеч қандай белгилари мавжуд бўлмаган.

Ўзбек халқи шаклланишининг учинчи энг муҳим даври 15 асрнинг охири ва 16 асрдир. Бу даврда Урта Осиёга Дашти Қипчоқ ўзбеклари қириб келганлар. Айнан улар маҳаллий туркий тилли аҳолига ўз номларини берганлар. Шунинг билан бирга баъзи жойлардаги ўзбек аҳолининг ташқи қурилишида ҳам баъзи ўзгаришлар содир бўлади. Кучманчи ўзбеклар қуп аралашган жойларда монголоид иркининг таъсири сезила бошлайди.

Шундай қилиб, ўзбек халқининг шаклланиши-узун, бой тарихга эга, мураккаб жараёндир. Ўзбек халқининг асосини маҳаллий сугдликлар, бактрияликлар, саклар, массагетлар, қанғулар, довонликлар ва ҳоказолар ташкил этган.

Ўзбек халқи шаклланишининг барча давларида маҳаллий аҳоли сон жиҳатдан қелгинди аҳолига нисбатан қуп бўлган. Аммо қелгиндилар маҳаллий аҳолига ўз тилларини берганлар. Шунга қарамай улар маҳаллий аҳолининг ташқи қурилишига қуп таъсир утказа олмаганлар.

Асосий тушунчалар:

Антропология- одам тугрисидаги Фан.

Антропогенез- одам пайдо булиши ва ривожланиши жараёни.

Орийлар- Хинд-эрон кабилалари, улар Урта Осиёда милoddан аввалги 3-2 мингйилликларда яшаганлар.

Ванхв-Датъё- Арёнам Вайжо худудидаги йирик дарё, балким Амударё.

Маргиёна- Мурғоб водийсидаги вилоят. Кадимги Бактриянинг куп кисми.

Спитама- Пайгамбар Заратуштра чикган уруг.

Видевдат, Ясна- «Авесто»нинг кадимги кисмлари.

Зархумат- балким Зарафшон дарёси.

Бехистун ёзувлари- Ахамонийлар подшоси Доро Ининг миххатсимон ёзувлари.

Мавзу № 2: Урта Осиё кадимги кабилаларининг дастлабки сиёсий ва харбий иттифокларнинг пайдо булиши.

Режа:

1. Кадимги кабилаларнинг милoddан аввалги 9-8 асрларда ташкил топган дастлабки сиёсий ва харбий иттифоклари.
2. Аръёшаёна (Арёнам Вайжо) давлати ва унинг тарихий географияси.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. «Тарихий хотирасиз келажак йук» Т., 1998 й.
2. Авеста. Пер. И.М. Стеблин-Каминского. Душанбе. Дониш, 1990 й.
3. Бойе Мэри. Зороастрийцы. М., Наука, 1987 й.
4. Полетов С.П. Кадимги Хоразм маданиятини излаб Т., Фан, 1964 й.
5. Кабиров Ж., Саъдуллаев А. «Урта Осиё археологияси» Т., 1990 й.
6. Саъдуллаев А.С. Кадимги Узбекистон тарихи илк ёзма манбаларда. Т., Укитувчи, 1996 й.
7. Узбекистон тарихи. Т, Укитувчи, 1997 й.

Милоддан аввалги 1 мингйилликнинг бошларида Урта Осиёда темир рудасидан темир ишлаб чиқаришни урганадилар. Темир меҳнат куролларининг тарқалиши жуда аста-секин кечган. Дастлаб темир асосан безакларни ясашда хом-ашё сифатида ишлатилган. Вакт утиши билан ундан энди купрок меҳнат куроллари ва харбий аслахалар ясай бошлайдилар.

Урта Осиёда темир асрнинг галабаси жуда эрта юз берган. Баъзи давлатлар, масалан, Хитой, бу жихатдан Урта Осиёдан анча орқада қолиб кетган эди.

Урта Осиёда темир даври манзиллари то шва бронза даври манзиллариги қараганда камрок урганилган.

«Авесто» ва хусусан «Ясна» ва «Гат» матнларини таҳлил қилганда (бу ерда В. Абаев ва Дъяконов хизматлари бекиёсдир) уларда давлат ташкил қилиш поғонасигача етган жамиятдаги одатдаги аҳволни тасвир этганлигини аниқлаш мумкин. «Гат» ларда тинч ҳаёт кечириш, яхши ва халол ҳукмдорларга бўйсунадиган ривожланган шаҳарларнинг купрок бўлишига ундалган. Буларнинг барчаси катта ижтимоий узгаришларни талаб қилган. Шунини ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, уруғ жамоаси емирила бошланган даврда жамиятда энг катта уринга уруғ-қабила зодагонлари- қабила бошлиқлари, қохинлар ва оксоқоллар эга бўлганлар. Аммо, бирлашган ҳақиқий давлат факатгина уруғ одатлари ва оилавий олигархияни енгиб вужудга қилиши мумкин.

Бу даврда харбий лашкарбошиларнинг аҳамияти ошган, улар одатий амалдорларга айланганлар. Аммо уларнинг ҳокимияти Оксоқоллар Кенгаши ва Қабила Кенгашлари билан чекланган. Қабиаларнинг иттифокларини тузиш долзарблиги ошиб боради.

Бу даврда Урта Осиёда 2 хил хужалик типи ташкил топади:

1. Кучманчи, чорвачилик хужалик типи. Асосан чулларда.
2. Утрок, зироаткор хужалик типи. Асосан воҳа ва дарё водийларида.

Шундай қилиб, Урта Осиё ҳудудида қадим давлардан бирлашган давлатларнинг ташкил топишига замин яратилган эди.

Милоддан аввалги 1 мингйилликда Урта Осиёдаги ижтимоий иқтисодий вазиятни урганиш бу даврда ҳудуднинг янги ривожланган жамиятга ўтаётганлигидан далолат беради. Урта Осиёнинг баъзи ривожланган ҳудудларида дастлабки давлат бирлашмалари вужудга келади. Бу давлат бирлашмалари «Авесто»да «дахьюсаети» деб аталади.

Манбаларда Урта Осиёдаги дастлабки давлат бирлашмаларининг вужудга қилиши ва ривожланиши тугрисида жуда кам маълумотлар мавжуд. Купчилик олимларнинг фикрича, Урта Осиёда дастлабки давлат бирлашмалари Ахамонийлар босқинигача милоддан аввалги 9-7 асрларда пайдо бўлган. Бу фикрни М.Дункер, В. Томашек, Ф.Альтхайм, С.П. Толстов, М.Дъяконов, В. Масон, М. Дандамаев, Б. Гафуров, Б. Литвинский, Э. Ртвеладзе, И. Пьянков, А. Сагдуллаев каби олимлар илгари сурадилар.

Илмий адабиётларда Ахамонийлар давригача Урта Осиёда қуйидаги давлат бирлашмалари мавжудлиги қайд этилади:

1. Арёшайёна- Қадимги вилоятлар «дохийёсасти»нинг бирлашмаси.

2. Арёнам Вайжо- Ария ва Маргилонда маркази. «Катта Хоразм».
3. Кадимги Бактрия подшолиги. Бу давлат ва у билан боглик муаммолар хозирча тулик ечилмаган.

Заратуштранинг Бактрияда яшаганлиги тугрисидаги одат узгариб борди. Бу одат Юнон тарихчиси Ктесий (милоддан аввалги 5 асрнинг охири- 4 асрнинг боши) асарларида уз аксини топди. Ундан кейин эса баъзи олимлар, масалан, Дж. Мультон «Гат» (пайгамбар Заратуштранинг кушиклари, 7 боб- «Яснахапхато» («Ясна есиш гиав) ва унга давр ва тил жихатдан энг якин булган асарлар Бактрияда яратилган деб хисоблаганлар. Шунинг билан бирга, улар кадимда Бактриянинг тили «Авеста» тили булганлигини ҳам таъкидлаганлар. Аммо бошка маълумотлар бу таъкидларни рад этади. Шунингдек, кушон даври Бактрия тили ёдгорликларининг топилиши бу фикрларнинг нотугри эканлигини яна бир бор исботлади.

Баъзи олимларнинг (Дж. Дармстетер, В. Джексон) фикрича Заратуштра Шимоли-Гарбий Эронда яшаган ва шу ерда уз таълимотини тарғиб килган. 20 асрнинг 30-40 йилларида Э.Херцфельд ва бошка баъзи олимлар Заратуштранинг илк ахамонийлар ва хаттоки Доро Ёнинг замондоши эканлиги тугрисидаги фикрни илгари сурдилар. Аммо, хозирда кабул килинган койдага кура «Гат»Лар Ахамонийлардан бироз олдинрок тупланган ва Гарбий Эронга ҳеч қандай алоқаси булмаган.

Хозирги давр олимларининг фикрича (С.П. Толстов, Б. Гафуров, В. Абаев, А. Сагдуллаев, М. Исхоков, И.Жабборов ва хоказолар) «Гат»Лар ва унга давр ва ҳажм жихатдан якин булган «Авесто» қисмлари Урта Осиёдаги вилоятларнинг бирида (қупинча Хоразм) ёки Шимоли-гарбий Афғонистон ва Шимоли-шарқий Эроннинг Урта Осиёга туташ булган ҳудудларида пайдо булгандир. Аммо бу муаммони аниқ ечимини топишда турли хил фикрлар мавжуд. Баъзи олимлар Амударёнинг урта ва пастки оқимидаги вилоятлар ва хусусан Хоразмни таъкидлаб утадилар. Бу олимлар асосан «Авесто»даги барча эрон тилли қабилаларнинг ватани ва зардуштийликнинг макони Арёнам Вайжо («Орийлар юрти»)нинг Хоразм эканлиги тугрисидаги М. Мархварт ва Э. Бенвенистларнинг фикрини илгари сурадилар.

Шунинг билан бирга баъзи олимлар уртасида «Гат»ларнинг Хоразм бошлиқ давлатлар ёки шаҳарлар конфедерацияси ҳудудида пайдо булганлиги тугрисидаги фикр ҳам илгари сурилади. Бу конфедерация олимларнинг фикрига кура Ахамонийлардан олдинги даврда мавжуд булиб, Хоразм жанубидаги вилоятлар ҳам унинг таркибига кирган. Баъзи олимларнинг фикрига кура «Гат»лар айнан шу жанубий вилоятлардан бири Марғиёнада яратилган. «Авесто»нинг қолган кейинги даврлардаги қисмлари Сеистонда яратилган булиши мумкин.

Алоҳида бобда «Арёнам Вайжо»нинг «Ванхви Датъё» водийсида жойлашганлиги таъкидлаб утилган. «Бу ерда қиш 2 ой давом этади. Қиш қунларида сув музлаб қолади, ер музлайди. Қишнинг охирида бу ерда қатта сув тўфонлари булади».

«Авесто»да «Арёнам Вайжо»нинг географик чегаралари тугрисида аниқ маълумотлар мавжуд эмас. Ванхви Датъёнинг ҳам ҳозирда қайси дарё эканлиги бизга ҳозирча номаълум. Баъзи олимларнинг фикрича бу Амударёдир.

«Ясна»даги давлатлар руйхатида «Арёнам Вайжо» эрон тилли кабилаларнинг биринчи юрти ёки «Орийлар давлатидир».

«Видевдат» китобига кура зардуштийларнинг муқаддас худоси Ахурамазда пайгамбар Заратуштрага қуйидагиларни хабар қилади: «Оспитана Заратуштра, одамлар яшаган жойларда мен тинчлик ва осойишталик ҳада этганман. Биринчидан, одамларнинг яхши яшаши учун юртлар орасида энг зур юрт Ванхви Датъё дарёси бўйидаги «Арёнам Вайжога» асос солдим.

Олимлар бу муаммога турлича ёндашадилар. Биринчидан Геродот тилга олган Окс (Акес) дарёси қуплаб олимларнинг фикрича Амударё эмас балки Тажон дарёсига тугри келади. Иккинчидан, бошқа антик муаллифлар асарларида келтирилган қуплаб маълумотлар ҳам ҳисобга олинади. Геродотдан анча олдинги даврда яшаган Милетиялик Гекатий (тахминан милoddан аввалги 500 йил) қисман текислик ва қисман тоғларда, парфияликлардан шарқда яшовчи хорасмийларни тилга олади. Бу ҳозирги Хоразм эмас, балки Хирот-Марв оралигидаги ҳудуд эканлиги аниқ. Буларнинг барчасини ҳисобга олиб И. Маркварт Акес дарёсини Херируд ва Тажон дарёси билан тенглаштиради. Шунингдек у қадимги Урта Осиё кабилаларининг йирик конфедерацияси- «Қатта Хоразм» мавжудлиги тугрисидаги фикрни ҳам илгари сурди.

Бу конфедерациянинг маркази қисман ҳозирги Хоразм ва Марв-Хирот оралигидаги ҳудудларда жойлашган.

Баъзи олимларнинг фикрига кура бу бирлашманинг пайдо бўлишига Урта Осиёдаги этник силжишлар ва қучишлар сабаб бўлган. Бу ҳақда 2 хил фикр мавжуд: 1) Бу гуруҳ олимлар Геродот ва Гекатийнинг маълумотлари хорасмийларнинг аста-секин шимолдан жанубга қучишларидан далолат беришини таъкидлайдилар.

2) Бу гуруҳ олимларнинг фикрича хорасмийлар Эрондан Орол бўйига қучиб келганлар.

И. Марквартнинг фикрига кура «Авесто»да эслатилган Арёнам Вайжо шу «Қатта Хоразм» ҳудудига тугри келади. Бу вилоят Датъя (Амударё) бўйида жойлашган бўлиб, қиши 10 ой давом этади. Бу фикр ҳозирда қупчилик олимлар томонидан қабул қилинган.

«Қатта Хоразм» тугрисидаги маълумотларни туплашда лингвистлар ва хусусан В.Б. Хенингнинг ишлари қатта аҳамиятга эгадир. У хусусан, «Авесто» тилини сақланиб қолган Хоразм тили қолдиқлари билан солиштиради. Хенингнинг фикрига кура «Авесто» нинг иққала диалекти ҳам на қарбий ва на шарқий эрон тиллар гуруҳига қиради. Бу диалектлар улар орасида жойлашади.

Шундай қилиб «Қатта Хоразм» билан боғлиқ муаммолар ҳали тулиқ ечимини топмаган бўлса ҳам, бундай қатта федерациянинг мавжуд эканлиги шубҳасиздир.

Мавзу № 3: Урта Осиё аҳолисида милoddан аввалги 7-6 асрларда дастлабки диний эътикодларнинг таркалиши

Режа:

1. Заратуштра таълимотининг вужудга келиши ва унинг хусусиятлари.
2. Зардуштийлик динининг баъзи одат ва маросимлари.
3. Зардуштийлик: Дехкончилик ва чорвачилик.
4. Зардуштийликнинг тарихий ахамияти.

Адабиётлар:

- 1.Каримов И.А. «Тарихий хотирасиз келажак йук» Т., 1998 й.
- 2.Бойс Мэри. Зороастрийцы. М., Наука, 1987 й.
- 3.Узбекистон тарихи. Т, Укитувчи, 1997 й.
- 4.Хрестоматия по истории древнего Востока. Ч.2, М., 1980, Раздел «Иран и Средняя Азия».
5. Умарзода М. «Овисто сирлари». Жахон адабиёти. № 2, 1998 й.
6. Узбекистон илк ёзма манбаларда. Т., «Укитувчи», 1996.
- 7.Жабборов И. Илк Пайгамбар ва муътабар китоб Ватани, «СохибкIRON Юлдузи» рузномаси, 1998 й. 22 сентябрь. № 17 (42).

Урта Осиёнинг эрон тилли кабилаларида милoddан 2-1 мингйилликлардан бошлаб анча ривожланган диний эътикодлари мавжуд эди. Кейинчалик бу эътикодларнинг баъзи хусусиятлари зардуштийликка ҳам кушилган. Масалан, Митра култини айтиб утиш мумкин. Бу кулът кадимги даврлардан бери мавжуд эди. Эрон тилли кабилаларда эъозланган маъбудлар «ахурлар» деб аталган. Аста-секинлик билан бош маъбуд Ахура тугрисидаги тушунчалар юзага келади. Уни шунинг билан бирга «Мазда»- «доно» деб ҳам атаганлар.

Баъзи олимларнинг каршиликларига карамай, тарихчилар Заратуштрани хакикий кадимда утган одам деб хисоблайдилар. У «Гат»ларнинг тузувчисидир. «Гат»ларда у пайгамбар, ёвузлик билан доимо курашиб турувчи тирик одам тарзида тасвирланган. Кейинчалик «Кичик Авесто» («Зенд Авеста») у афсонавий кахрамон сифатида тасвирланади.

«Гатлар»да Заратуштра уз таълимотини бош маъбуд Ахура-Мазданинг узидан эшитганлигини таъкидлайди. Уз таълимотини таргиб этишнинг илк даврларида Заратуштра катта зафарга эришолмайди. У Ватанидан кочиb кетишга мажбур булади. Кейинчалик у подшоҳ Кави Виштаспанинг хомийлигига эришади. Кави Виштаспа ва унинг амалдорлари Заратуштра таргиб этган эътикодни кабул киладилар. Шунинг билан бирга «Гатлар»да Заратуштрага хомийлик килган ва унинг таълимотини илк даврларда кабул килган бошка куплаб кишиларнинг исмлари ҳам эслатилади.

Заратуштранинг таълимоти уруг-кабила бошликлари ва асосан конли курбонликларни таргиб этган эски эътикод кохинларига карши каратилган эди. Заратуштра хужаликнинг янада ривожланган шаклларини таргиб килган. У дехкончилик ва чорвачиликнинг ривожланишига салбий таъсир этган кабилалараро урушлар ва боскинларга карши чикган. Заратуштра утрок кишлок ва шахарларини боскинлардан химоя килишга, бу ерда кучли хокимият ва тинч хаётнинг урнатилишига чакирган. Аввалги уруг-кабилаларнинг куп худоли кулътларига карши чикиb, Заратуштра якка худо-Ахура-Маздани тан олган.

Зардуштийлик таълимотининг асосий хусусиятлари куйидагилардан иборатдир:

1. Зардуштийликнинг илк шаклларида бошлаб пайдо булган монотеистик тенденция. Бу тенденция бош маъбуд Ахура-Маздага (кейинчалик Оршазда Хурмузд) сигинишда уз аксини топган.
2. Дуализм. Азалдан мавжуд булган икки карама-карши куч Яхшилик ва Ёвузликнинг курашида уз аксини топган. Яхшилик кучларининг бошида донно маъбуд Ахура-Мазда, Ёвузлик кучларининг бошида эса Ахра-Манъю (кейинчалик Ахришан) туради. Бу иккалар абстракт куч уртасидаги кураш дунёда содир булаётган барча жараёнларнинг бошида туради. Ахура-Мазда номи билан зардуштийликни шунингдек маздеизм деб ҳам атайдилар.

Орий кабилаларда азалдан икки хил маъбудлар: дайва (хиндида «дева», форсчада «дев», «див»)- кадимги антропомерфик натуралистик маъбудлар;

асура (форсчада ахура, яъни «Хукмрон» деган маънони билдиради)- Олий хокимиятга эга булган маъбудлар.

Кадимги Хиндистонда («Ригведа»нинг охирги мадхларида) асурлар одамга карши, унга ёмонлик киладиган маъбудлар сифатида тасвирланган. Кейинчалик Хиндистонда бу атама факатгина ёвуз рухларга нисбатан айтилган, холос. Маъбудлар сифатида парилар колди, холос. Маздаизм (зардуштийлик)да карама-карши холат содир булган: парилар ёвуз маъбудларга, девларга айланадилар. Масалан, «Авесто»да девлар каторида Индра (Веди Хиндистонида энг куп хурмат ва иззатга эга булган олий маъбудлардан бири) хам эслатилади. «Ахура» атамаси эса «Авесто»да аксинча «маъбуд», «худо» деган маъноларда ишлатилади.

Бошка маъбудлар орасидан тезда осмон ва донолик маъбуди ажралиб чиқади. «Мазда» (Доно) сифати билан бирга олий маъбудликни ифодаловчи «Ахура» атамаси хам кушилади ва натижада зардуштийликнинг бош олий маъбуди «Ахура-Мазда» номи келиб чиқади. (Ахура Мазда- «Доно хукмдор»).

Маросимлар каторида Заратуштра маъбудларга аталган конли курбонликлар ва мукаддас ичимлик «Хаома» (Хинд кучи)нинг истеъмол килишини манн этган. У факатгина мукаддас оловга сигинишни тан олган, холос. Олов, Заратуштранинг фикрича илохий адолат – артанинг белгиси булган. Олов култи ва ибодатхоналари кейинчалик зардуштийликнинг асосий хусусиятига айланади. Шунингдек куйларнинг маъбудларга курбонлик килинишларини ман этилиши хам кейинчалик зардуштийликнинг асосий хусусиятларидан бирига айланади.

Монотеистик тенденция билан бир каторда эрон тилли кабилаларда зардуштийлик дини билан боглик булган дуалистик тасаввурлар хам кенг таркалади. Бу тасаввурларга кура дунёда мавжуд булган барча нарсалар : маъбудлар, табиат ходисалари, ижтимоий хаёт ходисалари, хайвонлар ва хоказоларнинг барчасининг асосида яхши ёки ёвуз бошланиш туради. Уларнинг барчаси Адолат ва Ростгуйлик (арта) ёки Ёвузлик ва Ёлгончилик дунёсига мансубдир.

Дунёдаги Одамнинг урни зардуштийликда эркин танлаш концепциясига асосланади. Бу конун Заратуштра яратган «Гатлар»да асосланган эди. Одам яхшилик ва ёвузлик уртасида бирини танлайди ва унинг кейинги фаолияти дунёдаги Яхши ва Ёвуз асослар уртасидаги курашга катта таъсир курсатади. Яхшилик йули бу Ерга пайгамбар Заратуштра томонидан олиб келинган хакикий эътикоддир. Заратуштра эътикоди тарафдорлари кейинчалик Яхшиликнинг Ёвузлик устидан галабасига хисса кушишлари лозим. Шунинг учун зардуштийлик динига сигинувчи одам бутун умри давомида яхшиликка интилиши, ёвузликни ман этиши лозим. Заратуштранинг янги Дунё пайдо булишини тахмин килиб, бу дунёда яхшилик ёвузлик устидан галаба козонишини айтади. Олов синовидан утган Яхшиликни танлаган одамлар Ахура-Мазда асос солган Адолат подшоҳлигида яшаш имкониятига эга буладилар. Яхшилик кучларининг галабаси Заратуштра таълимотига кура якин келажакда содир булиши лозим

эди. Аммо, кейинги зардуштийлик таълимотига кура Яхшиликнинг Ёвузлик устидан галабаси Заратуштра тугилиши ва унинг таълимотининг пайдо булишидан бошлаб 3 минг йил утиб содир булади. Бу даврда Заратуштра уругидан булган халоскор Саошьянта тугилиши керак. Айнан шу Саошьянта даврида Яхшиликнинг Ёвузлик устидан галабаси содир булади.

Одамнинг зардуштийликка кура Яхшиликнинг галаба козониши учун адолатли хаёт тарзи кечириши лозим. Зардуштийликнинг бошлангич даврларида турли хил ибодат ва дуоларга куп эътибор берилмаган. Аммо, хакикий эътикод билан урнатилган адолатли хаёт тарзи: «яхши фикр», «яхши суз», «яхши иш» Одамнинг Ёвузлик билан курашидаги асосий куроллари булган. Ёвузлик кучларига карши курашда шунингдек Ахура-Мазда томонидан яратилган чорвачилик ва дехкончилик билан шугулланиб, моддий бойликларни орттириш лозим булган.

«Гатлар»да Ахура-Мазда билан бир каторда иккита киёфадош-рухлар булган. Уларнинг бири Ростгуйликни акс этса, иккинчиси Ёлгончиликни акс этган. «Авесто»нинг «7 боб Яснаси» номли кисмида турли хил политеистик тенденциялар сезилади. Бу ерда нафакат Ахура-Мазда, балки олов, сув, шамол, ер ва хаво, хайвонларнинг рухлари ва хоказолар хам кадрланади.

«Авесто» пантеонининг энг иззатли маъбудлари куйидагилар булган:

1. Куёш ва Ёруглик маъбуди – Митра
2. Хосилдорлик ва сув маъбуди Ардвисура Анохита. Анохита култида матриархат даврига тегишли баъзи хусусиятлар мавжуддир.

Зардуштийлик динининг урф-одат ва маросимларидан энг мухими дафн этиш маросимидир. Бу дафн этиш маросимининг усули хозирда хам Хиндистонда яшовчи баъзи форслар томонидан кулланилади. Улган кишининг танасини махсус курилмалар (дахма)га куядилар. Уларнинг гуштларини ёввойи кушлар ейиши максадида бу иш килинган. Шундай усулда гуштлардан тозаланган мурданинг суякларини махсус остадонлар-оссуарийларда саклаганлар. Бу дафн этиш маросимининг усули умуман зардуштийлик динининг асосий хусусиятларини акс этган. Хаёт маъбуд Ахурамазда такдим этган илтифот хисобланган. Улим эса Ахриман томонидан яратилган Ёвузлик турларидан бири булган. Шунинг учун уликнинг танаси хаёт вактида Яхшиликни билдирса, одам улганидан сунг харом, Ёвузликни билдирувчи нарсага айланади. Шунинг учун зардуштийликда кадрланган олов, ер, сувга уликнинг танасини ташлаш уларни харом килиш деб хисобланган.

Заратуштра таълимотига кура чорвачилик ва зироатчилик билан шугулланиш Худо йулидаги иш, кахрамонлик деб хисобланган.

«Видевдат»нинг 3-боби: «Худога энг хушнуд жой –бу мукаддас олови, Хотин, болалар ва чорваси булган адолатли одам томонидан курилган уйдир... Каердаким адолатли одам нон, усимлик ва бошка ейиладиган махсулотларни етиштирса ва зироатчилик билан шугулланса уша ер хам Худога хушнуддир».

Бу парчадан шу нарса аник буладики, «Авесто»да утрок чорвачилик ва энг мухими дехкончилик билан шугулланишга чакирилган.

Уша боб: «Ерга рост ва унг кул, унг ва рост кул билан ишлов берувчи одам Ерга даромад келтиради. Бу адолатли эр уз хотинига угил ёки бошка болани такдим этишига ухшайди.»

(Унга) Ер куйидагларни айтади: «Менга рост ва унг кул, унг ва рост кул билан ишлов берувчи эй Одам... Мен бутун умрим давомида шу савоб ишларинг учун сенга моддий бойликлар ва катта хосил бераман... Нон сепган одам, адолат сепеди».

«Гатлар»да шунингдек чорвачиликка ҳам катта эътибор берилган. Ахура-Маздага каратиб пайгамбар Заратуштранинг айтган бу сузларини мисол килиб келтириш мумкин: «О худо, сен биз учун нажотбахш чорвани яратган маъбуд». Шунингдек Гатларнинг бу кисмида чорва, чорвани химоялаш, эркин тинч чорвадорларни кучманчиларнинг боскинларидан саклаш тугрисида турли хил фикрларни учратамиз.

Бу даврда Сак кабилалари яшаган улкан худудларда ҳам илк диний тасаввурлар тугрисида маълумот берувчи куплаб ёдгорлик мавжуд. Шаркий Помирда бу дафн кургонларидир. Баъзи вақтларда икки киши бир жойда кумилган. Еттисувда ёгоч камерали йирик кургонлар топилган. Орол буйи, Амударе ва Сирдарё оралигида Сак аристократиясининг мураккаб кабрлари топилган. Шунингдек бу ерларда сакларга тегишли булган бир катор аҳоли турар жойлари ҳам топилган.

Урта Осиё аҳолисининг диний тасаввурлари бир хил булмаган. Утрок вилоятларда зардуштийлик кенг таркалган эди. Бу ерда зардуштийлик турли хил маҳаллий культлар билан кушилиб кетган эди. Баъзи сак кабилалари ҳам зардуштийликка утган, колганлари эса бош маъбуди куёш худоси булган турли хил маҳаллий культларга эътикод килганлар.

Урта Осиёда Ахамонийлар даврида вужудга келган зардуштийлик дини кейинчалик Эрон ва яна Гарб давлатларига караб таркалган ва ислом таркалгунича эронийларнинг давлат дини булган. Милоддан аввалги 5 асрда Мемфисда (Миср) эрон тилли аҳолининг худоси Митранинг ибодатхонаси булган. Рим империяси даврида эса Митра култи кенг худудларга таркалади, бу культ хаттоки Британ ороллариғача етиб боради.

Милоддан аввалги 3 аср Бобил тарихчиси Бероесининг маълумотларига кура, Эрон шохи Артаксеркс II маъбуда Анахита хайкалларини Бобил, Суза, Экбатана, Бактра, Дамашк ва Сард шаҳарларида урнатган эди.

Бобил миҳхат ёзувларининг маълумотларига кура Ахамонийлар даврида Бобил ва Мисрда эроний кохинлар пайдо булади. Бу кохинлар олимларнинг фикрича бу мамлакатларда турли хил диний маросимларни бажарганлар.

Зардуштийлик дини Юнон тарихчиларига ҳам маълум эди. Уларнинг баъзилари хатто зардуштийлик дини ҳақида алоҳида трактатлар ёзганлар. Масалан: Аристотель магия тугрисидаги асарида зардуштийлик дини ҳақида ҳам маълумот беради. Бу асардан бизнинг давримизгача факатгина баъзи парчалар етиб келган, холос.

Зардуштийлик дини хакида шунингдек Плутарх, Диоген ва хоказолар асарларида ҳам маълумотлар мавжуд. Кадимги Юнон тилида зардуштийлик тугрисида шунингдек милoddан аввалги 5 асрда яшаган лидиялик тарихчи Ксанф, бобил тарихчиси Беросс, Библик файласув Фион ва яна куплаб бошка олимлар ҳам маълумотлар колдириб кетганлар. Баъзи олимларнинг фикрича зардуштийликнинг асосий хусусиятлари кейинчалик кадимги Юнон фалсафа тизимининг шаклланишига уз таъсирини утказган.

Мавзу № 4: Милоддан аввалги 7-6 асрларда Кадимги Бактрия.

Режа:

- 1.Сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тарих.
- 2.Кадимги шаҳарларнинг ривожланиши. Афраша, Еркургон ва хоказолар.
- 3.Хунармандчилик ва савдо.

Адабиётлар:

- 1.Каримов И.А. «Тарихий хотирасиз келажак йук» Т., 1998 й.
- 2.Массон В.М. Средняя Азия и древний Восток. М.: Наука, 1964.
- 3.Мончадская Е. О правителях Бактрии и Согдианы 6-4 вв. до н.э., 1961
- 4.Поянков И.В. Бактрия в античной традиции. Душанбе: «Дониш», 1982.
- 5.Пидаев Ш. «Кадимги Бактрия», Т.: «Узбекистон», 1976
6. Саъдуллаев А.С. Кадимги Узбекистон илк ёзма манбаларда. Т.: «Укитувчи», 1996.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича Бактрия худудида дастлабки давлат бирлашмаларининг ташкил топиши ва ривожланиши анча кадимги даврларга бориб такалади. Кадимги Юнон тарихчиси Ктесий оссурия шоҳи Нинанинг Бактрияга қилган юриши тугрисидаги ҳикояни келтиради. Бу ҳикояда Бактриянинг қуп сонли аҳолиси, қуплаб шаҳарлар мавжудлиги, бу мамлакатнинг пойтахти яхши мустаҳкамланган Бактра, Бактрия шоҳи Оксиарт ва унинг қимматбаҳо нарсалари тугрисида гап боради. Шунингдек, қудратли Бактрия давлатининг мавжудлигини тасдиқловчи яна бир манба Геродотнинг «Тарих» китобида Геродот уз китобида ахамонийлар шоҳи Кирнинг Лидияни босиб олганидан сунг унинг йулида факатгина «Бобил, Бактрия халқи, саклар ва мисрликлар» турганлигини ёзади. Шундан қуриниб турибдики, бу даврда Бактрия анча қудратли булган Бобил ва Миср давлатлари билан бир қаторда турган. Гейгернинг фикрича, кадимги Бактрия унга қушни давлатлар ичида энг қудратлиси булиб, улар уртасида узига ҳос уринга эга булган

Ҳозирги давр тарихий маълумотларга қура Бактрия Афғонистоннинг шимоли-шарқий қисми, жанубий Тожикистон ва Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилоятини уз ичига олган.

Археологик маълумотларга қура Бактрия худудида одамлар илк ва урта палеолитдан бошлаб яшаганлар. Бизга бу тугрисида Тешиктош, Мачайдан топилган буюмлар ва Зараутсойдаги тоғ расмлари гувоҳлик беради.

Милоддан аввалги 9-8 асрларда Бактрия худудида ҳарбий моҳиятли сиёсий бирлашма вужудга келади. Бу давр Урта Осиё аҳолиси бир қисмининг қорвачиликка утиш вақтига тугри келади. А.Сағдуллаевнинг ҳисобларига қура Бактрия худудида милоддан аввалги 1 мингйилликнинг 1-ярмига оид 250 га яқин аҳоли жойлари топилган.

Бу даврдаги Бактрияда қуплаб йирик шаҳарлар мавжудлиги аввал ҳам маълум эди. Бу давр Шимолий Бактрия шаҳарининг қандай шаклга эга булганлигини тасаввур қилиш учун Сурхондарёдаги Кизилтепа шаҳарчаси маълумот беради. Милоддан аввалги 8-7 асрларда бу ерда мавжуд булган қишлоқ урнида милоддан аввалги 6 асрда шаҳар вужудга келади.

Бу шаҳар тугри бурчак шаклида булиб, майдони-30 га. Шаҳарнинг фортификацияси шаҳар мудофаа девори ва хандақдан иборат булган. Шаҳарнинг бурчакларидан бирида Арк (қитадель)нинг мавжудлиги ҳарактерлидир. Бу давр учун шакли айлана булган миноралар ва мудофаа деворларидаги шинаклар ҳосдир.

Охирги йилларда утқазилган археологик қазилшлар натижасида кадимги Бактрия худудида ахамонийлар даврига оид 30 дан ортиқ қишлоқчалар топилган. Уларнинг ҳар бирида узлаштирилган майдонлар ва ирригацион иншоотлардан ташқари шунингдек турар-жойлар ва ҳужалиқ ҳоналари, меҳнат қуруллари, ҳарбий анжомлар ва сопол идишлар топилган.

Аҳолининг асосий машғулоти зироатчилик булган. Қалал-мир, Қучуктепа, Кизилтепа, Бандихон ва ҳоказо шаҳар типидagi тураржойларда қуплаб меҳнат қуруллари, қишлоқ ҳужалиги ва сунъий сугориш асбобларининг қолдиқлари топилган.

Бу давлатнинг пойтахти Бактра (милоддан аввалги 1 мингйилликнинг урталари) шаҳри булган.

Бактрияда хунармандчилик анча юкори даражада ривожланган эди. Бу ҳақда бизга 1877 йилда канал казиш вақтида Кободиёнда топилган Амударё хазинаси етарлича тасаввур беради. Махаллий аҳоли хазинани бухоролик савдогарларга сотганлар. Савдогарлар эса хазинани Хиндистонга олиб борганлар. Бу ерда хазина Англия ҳукумати вакиллари кулига тушиб, улар уни олимларга берганлар.

1979 йилда Амударё хазинаси собик СССРга олиб келинган. Бу ерда у Давлат Эрмитажи ва А.С. Пушкин номидаги музейда намоиш этилган. Шунинг натижасида Амударё хазинасини махаллий олимлар томонидан урганиш бошланган. Бу урганишга Е.В.Зеймаль асос солган. Зеймаль хазинани турли хил буюмлар ва тангалардан иборат комплекс деб ҳисоблаган. Инглиз олими О.М. Дальтон эса хазинани факатгина буюмлар мажмуаси деб таъриф этган ва 1тагина ахамонийлар тангаси мавжудлигини изох этган.

Дальтоннинг фикрига кура, хазинанинг олимлар томонидан топилмаганлиги, аниқ булмаган вазиятда топилганлигини ҳисобга олиб Амударё хазинасининг чоп этилган нусхасига факатгина бита дарик тангасини киритган, холос.

Е.В. Зеймаль эса хазинанинг буюмлар ва танга қисмларидан иборат эканлигини таъкидлаган. Хазинанинг таркибига 150 тага яқин олтин ва 1000-1200 та қумуш тангалар кирган. Тангалар орасида энг қадимгиси милоддан аввалги 5-4 асрнинг урталарига оид Юнонистон шаҳарлари тангалари ҳисобланади. Бу хазинада милодий 3 асрнинг 2-ярмига оид тангалар ҳам мавжуд. Шунингдек, милоддан аввалги 2 асрга оид Юнон-бактрия тангалари гуруҳи ҳам мавжуд.

Е.В. Зеймаль хазинанинг барча буюмларини диққат билан урганиб қуйидаги хулосага келган: «Барча буюмлар ва тангаларнинг 4 асрнинг 30-йилларидан кура қадимгирок булганлиги туфайли бу хазина сузсиз махаллий эмас, балки эронийдир. Хазинанинг бир қисми милоддан аввалги 4 асрнинг охириги чорагида Бактриядан ташқарида ташкил топиб, кейинчалик шу ерга келтирилган деб тахмин қилиш мумкин. Бу хазинани ким тузган? – «Александр қушини билан бирга Персепольни босиб олиниши, Парсаргадларга таҳдид солиниши, Бобилга голиб сифатида қирилиши ва барча жойларда улжаларнинг тақсим қилинишида иштирок этган паст мансабли кишими, ёки янги тузилган салавкийлар мудирлигининг мансабдорларидан бирими бу нарсга ҳозирча ноаниқ. Хазинанинг асосий қисми милоддан аввалги 4 асрнинг охириги чорагида Эронда ташкил топганлиги аниқ. Хазинани ташкил этишнинг иккинчи даври милодий 3 асрнинг иккинчи ярмида бошланади. Бунда хазинанинг биринчи соҳиби Салавкийлар давлатининг шарқий қисмида, балким Бактрияга қучиб келган ва бу ерда уз хазинасини тулдиришни давом этган. Бу давр ичида хазина қанча соҳибларни алмаштирганлигини айтиш анча мушкул... Тангаларнинг

гувохлик беришича Эвтидем I даврида хазинанинг тулдирилиши тугалланади ва у яшириниб, сохибларини алмаштиришни тугаллади».

Зеймальнинг хулосаси яхши тасдиқланган ва логика нуктаи назаридан ажойиб тарзда яратилган. Аммо, шунингдек хазинанинг Бактрияда яратилганлиги тугрисидаги тахминни ҳам тулик нотугри деб ҳисоблаб бўлмайди. Бактрада Ахамонийлар империяси даври типига кумуш ва олтин буюмлар ясаладиган устахоналар мавжуд бўлганлигини тахмин қилиш мумкин.

Милоддан аввалги 6-4 асрларда Ахамонийлар даврида Сугдиёнада куплаб шаҳар ва қишлоқлар мавжуд бўлган. Археологик қазилар натижасида милоддан аввалги 6-4 асрларга оид 50 яқин шаҳар ва қишлоқлар Зарафшон ва Кашкадарё воҳаларида аниқланган. Масалан: Узункир, Еркурган, Даратепа, Сангиртепа, Лолазор, Хужа Бустон, Афросиёб, Коровул тепа, Кургонга ва хоказолар.

Урта Осиё шарқий эрон қабилаларининг ижтимоий тузуми бу даврдаги гарбий эрон қабилалари ижтимоий тузумидан анча фарқ қилган.

Урта Осиёда қул меҳнати ҳужалиқнинг асосига айланмади. Аммо, қуллар меҳнатидан фойдаланиш мавжуд эди. Бу ерда гарбий эрон қабилаларига нисбатан уруғчилик тузумининг қолдиқлари купрок сақланган, қишлоқ жамоалари катта аҳамиятга эга бўлган.

Бизга бу давр Сугдиёнадаги ҳаёт тугрисида Афросиёбда олиб борилган археологик қазилмалар ва антик тарихчиларнинг маълумотлари анча тулик тасаввур беради. Бу даврда Сугдиёнада деҳқончилик катта аҳамиятга эга бўлган. Деҳқончилик сунъий сугоришга асосланган. Бу тугрисида ёзма манбалар гувоҳлик беради. Масалан, Страбон Политимет (Зарафшон) дарёси ҳақида қуйидаги маълумотларни беради: «Бу мамлакатни сугориб дарё қул ва қумлар мамлакатига қириб, бу ерда қумлар уртасида йуқолиб кетади». Бу ерда Зарафшоннинг Сугдиёнанинг куплаб каналларини сугурганидан сунг, қул зонасига бориб йуқолиши тугрисида маълумот берилади.

Аҳолиси асосан зироатчилик ва чорвачилик билан шугулланган қишлоқлар билан бир қаторда шаҳар типигаги тураржойлар ҳам вужудга кела бошлайди. Уларнинг энг йирикларидан бири Смаракания (юнончада Мараконда) 2 қисмдан иборат эди: йирик мудофаа девори ва хандак билан ураб олинган Кухандиз (Арк) ва шаҳарнинг узи. Мудофаа деворларининг узунлиги 70 стадий, яъни 12-12,5 км атрофида бўлган. Шаҳардан дарё утган. Бу дарё олимларнинг фикрича Сиёбдир.

Археологик маълумотларга қура қадимги Самарканд Афросиёб шаҳарчасида жойлашган эди. Сугдиёнанинг қадимги пойтахти Афросиёб 20 асрнинг 40-йилларида очилган эди. Тадқиқотлар даврида Афросиёбнинг шимоли-гарбий ва жанубий томонларида майдони 50-70 гектарга тенг милоддан аввалги 7-6 аср тураржойлари топилган. Агар бу даврда Афросиёбнинг бутун қисми узлаштирилган деб ҳисобласак унинг майдони 200 гектарга тенг бўлиб қолади. Шунинг билан бирга Афросиёбнинг

жанубида дастлабки тураржойлар шаҳар ташкарисида ҳам мавжудлиги тугрисида маълумотлар мавжуд.

Афросиёбнинг шу даврга оид маданий катламларида олиб борилган археологик казиш ишлари натижасида шаҳар қурилмаларининг қолдиқлари ва қуплаб тураржойлар қолдиқлари топилган. Бу ерда олиб борилган казув ишлари бизга сугдийларнинг баъзи меҳнат ва ҳарбий қуроллари тугрисида тасаввур ҳосил қилишга ёрдамлашди. Шунингдек Афросиёбда бу даврга оид подшоҳ ва қулида қамон ушлаб турган маъбуд тасвирли тош муҳр ҳам топилган.

Шунингдек Мароканда сингари унчалик йирик бўлмаган шаҳарлар ҳам мавжуд эди. Бу шаҳарларнинг бозорлари сугд ҳунармандлари ишлаб чиқарган турли хил буюмлар туфайли чет эл савдогарларини узиға жалб этган. Сугд ҳунармандларининг асосий қисми темирчилик, уй-рузгор буюмлари, туқимачилик билан шугулланганлар. Бу даврда оддий уруғ аъзолари устидан сугд аслзодаларининг ҳокимияти аста-секин урнатила бошланади.

Афросиёбда шаҳар ҳаётининг ривожланиши Сугдиёна ва Марказий Осиё сиёсий ва иқтисодий ҳаёти билан ҳамоханг равишда кечган. Чунончи, Афросиёб бу даврда ушбу ҳудуддаги давлатларнинг узаро алоқасидаги муҳим маркази эди.

Сугдиёнанинг «Иккинчи пойтахти» Еркурган (Кашкадарё) бўлган. Еркургонда дастлабки археологик казиш ишларини М.Е. Масон бошлаган эди. Кейинчалик унинг ишини шогирдлари давом эттиришди. Милoddан аввалги 7-4 асрларда Еркургоннинг умумий майдони 40 гектарга тенг бўлган. Бу даврда Еркурган Сугдиёнанинг муҳим административ маркази бўлган. Қупчилик олимларнинг фикрича Еркурган Юнон-рим тарихий манбаларида тилган олинган Ксениппа вилоятининг маркази эди.

Милoddан аввалги 7-4 асрларда Ксениппада атрофи мустаҳкам мудофаа деворлари билан уралган йирик шаҳар ва қишлоқлар мавжуд эди.

Еркурган ҳам мустаҳкам мудофаа деворлари билан уралган эди, маълум масофада қузатиш миноралари мавжуд эди. Бу даврда шаҳарнинг 2 та дарвозаси бўлган: биринчиси, шаҳарнинг шимоли-шарқида- бу ердан Зарафшон водийсига қикиш мумкин бўлган; иккинчиси, шаҳарнинг жануби-шарқида- бу дарвоза Шарқий Кашкадарё олиб борадиган йулда жойлашган. Археологик тадқиқотларнинг маълумот беришича, Еркурган аҳолиси асосан зироатчилик, ҳунармандчилик ва чорвачилик билан шугулланган.

Шунингдек юқорида тилган олинган шаҳарлардан ташқари Марв, Балх, Кузалиқир, Кизилтепо қабил шаҳарлар бу даврда савдо ва ҳунармандчиликнинг муҳим марказлари бўлган. Бу даврда уларнинг ҳудудларида дастлабки ахамонийлар тангалари- қариклар пайдо бўлади.

Бактрияда аҳолининг асосий машғулоти дехқончилик бўлган. Қвинт Курций Руф: «Бактрия табиати қилма-қилдир: бу ерда узум қуп ва қатта ҳосил беради, серсув сойлар сувсиз қулларни сугоради, энг ҳосилдор ерларда асосан бугдой эқилади, бошқалари эса чорва моллари учун қйловларга айлантйрилган. Аммо ернинг асосий қисми- ҳосилсиз текисликдир».

Бу даврда Бактрияда тасвирий санъатнинг ривожланиш даражасини аниклаш учун Амударё хазинасига кирган буюмларни бир бор куриш кифоя килади.

Мавзудаги асосий тушунчалар:

Амударё хазинаси- Асосан олтин ва кумушдан ясалган турли хил буюмлар мажмуасидир. 1877 йилда Кободиёнда маҳаллий халқ вакиллари томонидан топилган. Хазинанинг шаклланиш даври милоддан аввалги 2 асрдир.

Бактрия- Милоддан аввалги 7-6 асрларда Урта Осиё ҳудудидаги қадимги давлат бирлашмаларидан бири.

Урта Осиёда дастлабки шаҳарларнинг шаклланиш даври – милоддан аввалги 7-6 асрлардир: Афросиёб, Кизилтепа, Кучуктепа, Бандихон, Буйраги (Сурхондарё водийси), Еркурган, Янгитепа, Сангиртепа, Узункир (Кашкадарё), Далварзин, Ашколтепа, Чимбой (Фаргона).

Ксениппа- Милоддан аввалги 7-5 асрларда Кашкадарёдаги қадимги вилоятлардан бири.

О.М.Дальтон- Амударё хазинаси тугрисида китоб чоп этган (1905 й.) Британия музейининг ходими.

М.М. Дьяконов- Совет олими, шарқшунос, археолог.

Эвтидем- Юнон-Бактрия давлатининг подшоларидан бири.

Мавзу № 5: 4-8 асрларда Хоразмдаги ижтимоий ва шаҳарлар ҳаёти.

Режа:

- 1.Хоразмдаги шаҳарлар қолдиқларининг археологик тадқиқи.
2. Асосий сиёсий воқеалар.
- 3.7-8 асрларда Хоразм шаҳарлари.
- 4.7-8 асрларда Хоразм қишлоқлари.

Адабиётлар:

- 1.Каримов И.А. «Тарихий хотирасиз қелажак йук» Т., 1998 й.
- 2.Массон В.М. Средняя Азия и древний Восток. М.: Наука, 1964.
3. Саъдуллаев А.С. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. Т.: «Уқитувчи», 1996.

Илк урта асрлар даврида Хоразмда бошка Урта Осиё вилоятлари сингари узига хос маданият ва феодал жамиятнинг куртаклари яратилган эди. Бу даврда маданият жихатидан Урта Осиё вилоятлари бир-биридан анча фарк килган булса ҳам, шаҳарлар ва уй меъморчилигида анчагина умумий хусусиятлар мавжуд эди.

Хоразмнинг кадимги ёдгорликлари 19 асрнинг охирларидан бошлаб куплаб археолог ва тарихчи олимларнинг диққатини узига тортиб келмокда. Хоразм илк урта асрлар ёдгорликларини археологик тадқиқ этишни шартли равишда 2 даврга булиш мумкин:

1. Тадқиқотлар 1937 йилда бошланган эди. Шу йили С.П. Толстов бошчилигидаги СССР ФА Этнография Институтининг Хоразм археологик-этнографик экспедицияси тузилган эди. Бу даврда Этнография Институтининг аспиранти булган А.И. Тереножкин Кораколпогистон АРСи Турткул ва Шаббаз районларида Беркуткалин воҳаси ва бу ердаги бир неча йирик қалъаларни урганади.

Кейинги даврларда ҳам бу воҳанинг урганилиши давом этди, айниқса, стационар ишлар жадаллик билан олиб борилди. 4 ва 36- қалъалар урганилди, воҳа худудидаги Тешиққалъа қасрида ҳам археологик қазилмалар олиб борилди. Умуман олганда, амалга оширилган ишлар оқибатида Хоразмнинг археологик харитаси тузилади. Шунинг билан биргаликда амалга оширилган барча ишларни умумлаштирувчи С.П. Толстовнинг «Қадимги Хоразм» китоби чоп этилади. Бу китобдаги археологик ёдгорликлари классификациясидаги 2та давр : кушон-афригийлар даври (4-6 асрлар); афригийлар (7-8 асрлар) илк урта асрларга оиддир.

2.1953-1964 йилларда Беркуткалин ва Якка-Парасан воҳасини урганиш давом этади. 10га яқин қаср ва қалъаларда археологик қазилмалар олиб борилади. 1958 йилдан бошлаб Ўз.ССР ФА Кораколпогистон булими ходимлари араб манбалари тилга олган Кердер воҳасида археологик тадқиқот ишларини олиб бордилар. Бу худуд нотугри равишда Шимолий Хоразм деб аталган. Бу ерда Тоққалъа, Кургончи, Куюққалъа ва Хайванқалъа

Ёдгорликларининг казишмалари олиб борилган. Токкалгада олиб борилган казишмалар натижасида илк урта асрларга оид кулёзма китоб ва хужжатларнинг йирик хазинаси топилган (100дан ортик оссуарийлардаги хоразм ёзуви намуналари). Шунингдек Гяуркалға якинидаги Миздахкана некрополида ҳам Хоразм ёзуви намуналари топилган. Бу ерда олиб борилган археологик казишма ишлари натижасида илк урта асрлар Хоразм тарихи, ижтимоий ҳаёти ва маданиятига оид куплаб янги маълумот ва далиллар топилди. Шунингдек Хоразм календари, жамиятнинг социал таркиби ва этник тарихига оид янги далиллар ҳам топилди.

1977 йилда Якка-Парасан воҳасини бутунлай урганиш бошланади. Бунинг натижасида бу воҳадаги 6та қалға урганилади. Аёзқалға 2 якинида 1985-1990 йиллар давомида 5-6 асрга оид куплаб иншоотлар ва тулалигича сакланган қаср қолдиқлари урганиш амалга оширилган эди.

Қазишмалар натижасида қушон-афригийлар маданиятига оид қимматли маълумотлар топилди. Шу жихатдан Тупроққалғада олиб борилган казишмалар айниқса қатта аҳамиятга эгадир (1965-1969 ва 1972-1975 йилларда). Тупроққалға ҳудудида 5000 кв.м. майдонга эга қуп қатламли иншоотлар қолдиқлари топилган, 4-5 асрларда шаҳар тузилишига оид асосий хусусиятлар аниқланади. Ёдгорлик ҳудудида сопол, суяк ва металлдан ясалган куплаб ашёвий далиллар топилади.

Сиёсий жихатдан 4-8 асрлар давомида Берунийнинг маълумотларига қараганда Хоразмда бирта сулола вакиллари ҳукмронлик қилганлар. Адабиётларда бу сулола уз асосчиси Африг номи билан Афригийлар сулоласи деб аталади. Сулоланинг асосчиси Африг Берунийнинг маълумотларига қараганда 305 йилда Хоразм тахтига утиради. Беруний шунингдек, сулоланинг бошқа вакиллари номларини ҳам келтиради, баъзи номлар Хоразм ёдгорликларидан топилган тангалар орқали аниқланди. Аммо, тангалар ва Хоразм маълумотлари орасида анча фарқ мавжуд (ухшашликлар фақатгина 8 асрга оиддир). Умуман олганда Беруний келтирган қупгина ҳукмдорларнинг номлари ҳалигача тангаларда

аникланмаган. Хаттоки, сулола асосчиси Африг номи билан зарб килинган бирон-бир танга топилмаган. С.П. Толстовнинг фикрича бу хукмдор даврида мамлакатда децентрализация жараёни булиб утиб, турли тамгали мис тангалари зарб этилган.

Хоразмнинг кейинги тарихи, эфталит-Хоразм, сосоний-Хоразм, турклар-Хоразм муносабатлари унчалик яхши урганилмаган ва бу даврга оид маълумотлар анча камдир. Факатгина, Хоразмнинг 711-712 йиллардаги тарихи анча яхши урганилган. Бу даврда Хоразм араб лашкарбошчиси Кутайба ибн Муслим кушинлари томонидан босиб олинади. Табарий, хоразмшоҳ чакирган мажлис хакида маълумот бериб утади. Бу мажлисга турли хил хукмдорлар, декхон-бой зодагонлар ва ахбар-олимлар катнашган эди. Бу 7-8 асрларда Хоразм ижтимоий тузумига оид энг кимматли маълумот саналади. Ёзма ёдгорликлар, нумизматик ва археологик маълумотларга караганда бу даврда Хоразм бир неча майда давлатчалардан иборат булган. Олимларнинг тахминларича, бу Амударёнинг куйи окимидаги Кердер вилояти, мамлакатнинг жанубий кисми- Амударёнинг унг киргоги (маркази ал-Фир) ва Амударёнинг чап киргоги вилоятларидир.

Хорамзшоҳ ва унинг укаси Хурразад уртасидаги кураш натижасида хоразмшоҳ арабларни ёрдамга чакиришга мажбур булади. Берунийнинг маълумотларига караганда Хоразмга етиб келган Кутайба ибн Муслим Хурразодани маглубиятга учратди, Хоразм ёзма ёдгорликларини ёкиб юборди, олимларини эса хайдаб юборишни буюради. Мамлакатга араб ноиби куйилади ва шу даврдан бошлаб 995 йилгача, яъни охириги Афригий хукмдори улдирилганигача, Хоразмда ҳокимият Кят- хоразмшоҳлар пойтахти ва Урганч-араб амир-ноиблари уртасида булинган. Аммо, хорамзликлар араб боскинига карши курашганлар ва бир неча бор кузголон кутарганлар. Масалан, 728 йилда араб боскинига карши Кердерда кузголон кутарилади. Кейинги даврларда ҳам арабларга карши кураш давом этади. Факатгина 8 асрнинг охирларида араблар Хоразмни тинчлантиришга ва бу ерда уз хукмронликларини анча мустаҳкамлашга муваффақ булдилар. Бу

давр тангаларида арабча ёзувлар пайдо булади, хоразмшохларнинг исми исломча куйила бошланади. Бу барча сиёсий ва этник узгаришлар Хоразм тарихида катта уринга эгадир.

7-8 асрларга оид кадимги Хоразм давлати ҳудудидаги ёдгорликлар асосан кишлоқ харобаларидан иборатдир. 7-8 асрларда Хоразм шаҳарларининг ички тузилиши ва қурилиши деярли аниқланмаган. Маълумки, бу даврда йирик савдо йулларида жойлашган кадимги шаҳарлар (Хазорасп, Хива ва хоказолар) уз ҳаётини давом этган. Шунинг билан биргаликда янги шаҳарлар ҳам қурила бошланган. Шуниси кизиқки, бу шаҳарлар асосан йирик қасрлар деворлари яқинида ташкил топган (Беркуткалъа, Кумкалъа). Хоразмнинг кадимги пойтахти Катни археологик урганиш факатгина 12-14 асрларга оид маданий қатламларни урганиш имконини берди. Катнинг 10 асрдаги қухандизини бу даврда Хоразмга келган ал-Истаҳри қурган. Аммо, бу даврда қухандиз харобаларга айланган эди, шаҳар эса Амударё тошқинлари натижасида вайрон этилган эди. Табари, Белазури ва ибн ал-Асама асарларида Хоразмнинг илк урта асрлардаги пойтахти ал-Фир ёки Хоразм ҳақида маълумотлар мавжуд. Бу маълумотларга қараганда, 7-8 асрлардаги шаҳар 3 қисмдан («уч шаҳардан») иборат бўлган ва бу қисмлар умумий мудофаа девори билан ураб олинган. Шаҳарнинг энг мустаҳкам қисми Мадинат ал-Фир бўлган. Шаҳарнинг ушиб бориши натижасида унинг энг кадимги қисми қухандизга айланган, шаҳарни эса 10 аср муаллифлари Кат номи билан тилга оладилар.

Баламининг маълумотларига қараганда Хоразмнинг энг мустаҳкам шаҳарларидан бири Хазорасп бўлган. Бу шаҳар харобалари ҳудудида археологлар томонидан мустаҳкам мудофаа деворлари қолдиқлари. Шунингдек, олимларнинг фикрича шаҳар ҳудудида 7-8 асрларда пайдо бўлган қухандиз ҳам мавжуддир. Аммо бу маданий қатламлар кейинги даврлардаги қурилмалар туфайли сакланиб қолмаган. Олимларнинг фикрича бу даврда шаҳарнинг умумий майдони 10 га бўлган.

7 аср охирлари ва 8 аср бошларида пайдо булган Беркуткалъа тугрисидаги маълумотлар бошқаларга караганда анча кенгдир. Бу шаҳар илгари мавжуд булган Беркуткалъа касри якинида вужудга келган. 6,2 гектар майдонга эга булган шаҳар 2 усулда курилган. Кисман шаҳар 4 аср бошларида харобага айланган кишлок урнида курилган. Шаҳарнинг бутун худуди мудофаа деворлари билан ураб олинган. Шаҳарнинг уртасида кенг майдон жойлашган. Шаҳарнинг жанубий кисми 2 маҳалладан иборатдир. Маҳаллани магистрал куча ажратиб турибди. Кухандизда (100x100 м.) купгина иншоотлар курилган. Бу ерда пандус, сув омбори ва турли маъмурий иншоотлар жойлашган. Кухандизнинг шимоли-гарбий бурчагида жойлашган сув омбори камал даврида анча ахамиятли булган.

Хоразмнинг 7-8 асрларда мавжуд булган кишлоклари бошқа жойларга караганда анча яхши урганилган. Бундай кишлоklar асосан Амударёнинг унг киргогида сакланган. Кишлоklar Амударёнинг унг киргоги буйлаб бир неча унлаб километрга чузилган. Типологик жихатдан бу кишлоklar илгари даврлардаги Хоразм кишлоklarдан куп фарк килмаган.

Мавзу № 6: Сугдиёна

Режа:

1. Сиёсий тарихи.
2. Урганилиш тарихи
3. Илк урта аср Сугдиёна шаҳарларининг тарихий топографияси.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. «Тарихий хотирасиз келажак йук» Т., 1998 й.
2. Массон В.М. Средняя Азия и древний Восток. М.: Наука, 1964.
3. Саъдуллаев А.С. Кадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. Т.: «Укитувчи», 1996.

Сугдиёна- Урта Осиёнинг марказий вилоятидир. Сугдиёнанинг асосий ҳудудлари Зарафшон бўйида жойлашган бўлиб, маркази Самарканд шаҳри булган. Умуман олганда эса Сугдиёна уз ичига Кеш ва Нахшоб ва Кашкадарё бўйи ҳудудлари ҳам кирган. Манбаларда Самарканд Сугди билан биргаликда Бухоро Сугди ҳам эслатилади. Олимларнинг тахминларига караганда 7 асрда Бухоро Сугди Самарканд Сугди таъсирида булган. Сугд тили, маданияти ва ёзувини таркалиши нафакат айнан Сугдиёна ҳудудида юз берган, балки анча йирик кенг ҳудудларга ҳам таркалган. 7 аср хитой сайёҳатчиси Сюань Цзяньнинг маълумотларига караганда Чу дарёси бўйидаги Суёб шаҳридан Кешгача булган ҳудудлар Сугдиёна деб аталган ва бу ердаги аҳоли сугд тилида гаплашган. Олимларнинг тахминларича бу ерда Сугдиёнанинг аник чегаралари берилмаган бўлиб, балки сугд тили ва маданияти таркалган ҳудудлар қайд этилган. Қадимги даврларда бошланиб кетган Сугдиёнадан шимоли-шарқда жойлашган ерларни сугдлар томонидан колонизация қилиниши айниқса илк урта асрлар даврида янада тезлашади.

Сугдиёна билан айниқса чегарадош Уструшона ва Чоч ҳудудларининг алоқалари мустаҳкам булган. Сугдларнинг кенг колониялари Чу ва Талос дарёлари бўйида жойлашган. Манбаларнинг маълумотларига караганда бу ерда 11 асргача аҳоли сугд тилида гаплаша олган. Бу барча ҳудудларда сугд ва маҳаллий маданият қушилиб кетиб, узига хос маданият юзага келган. Сугд ёзуви ҳам катта аҳамиятга эга булган. Илк урта асрларда сугд ёзуви нафакат сугд тилида сузлайдиган ҳудудларда, балки бошқа тилларда сузлашадиган ҳудудларда ҳам кенг таркалган. Масалан, Хоразм, Тохаристон, Фарғона, Чоч, Уструшона ва Ёттисув тангаларида сугд афсонаси пайдо булади. Бундай тангалар ҳозирги даврга келиб куплаб топилган. Шунингдек, Турк хоқонларининг маъмурлари ва амалдорларининг асосий қисми сугдийлардан иборат эканлиги ҳам бежиз эмас, албатта.

Шарқий Туркистон, Марказий Осиё ва Ғарбий Хитой ҳудудидаги сугд колониялари ҳам мавжуд булган. Улар тузилиши жихатидан хилма-хилдир

(йирик касрлардан тортиб кичик кишлокчаларгача). Манбаларнинг хабар беришича куплаб сугдликлар Шаркий Туркистон ва Хитойда яшаганлар.

Илк урта асрлардаги Сугдиёна тарихига оид маълумотлар турли тилларда яратилган куплаб манбаларда мавжуд. Урта Осиёга 5 асрнинг урталарида ташриф буюрган Хитой элчилари пойтахти Самарканд булган давлат тугрисида маълумот бериб утадилар. Хитой манбаларида шунингдек 4 асрнинг охирида Судэ (тахминларга караганда Сугдиёна) давлатида хокимиятни бир гурух кучманчилар кулган олганликлари хакида маълумотлар бериб утилади. Олимларнинг фикрига караганда бу кучманчилар хионийлар булган. Улар асос солган сулола 5 асрда хам хукмронлик килган. Судэ давлатидан, 479 йилдан сунг эса Самарканд шахридан Хитойга куплаб элчилар юборилган. 510 йилдан бошлаб элчилар энди эфталитлар давлатидан келганлар. Олимларнинг тахминларича бу элчиликлар асосан сугд савдогарлари карвонларидан иборат булиб, уларнинг номларини узгариши Сугдиёнанинг сиёсий тарихига богликдир. 510 йилга келиб Сугдиёна бутунлай эфталитлар томонидан босиб олинади. Эфталитлар давлатининг маркази Сугдиёнанинг жанубида жойлашган эди.

6 асрнинг 60-йилларига келиб эфталитлар бирлашган Эрон ва турк кушинлари томонидан маглубиятга учратади. Сугдиёна биринчи турк хоконлиги таркибига киради, аммо узининг ички мухториятини саклаб колади. Турк хоконлигининг ташкил топиши сугдиёнада савдо-сотикнинг ривожланишига катта таъсир курсатди.

7 асрнинг урталарига келиб сугд князликлари бутунлай деярли мустакил булиб колдилар ва факат номигагина Тань империясининг суверинитетини тан олишга мажбур булганлар. Кулёзма манбаларда Самарканд Сугди таркибидаги Самарканд, Кобудан, Иштихон ва Маймург, Кеш ва Нахшоб шахарлари тилга олинади. Бу барча мулклар Самарканд таъсирида булганлар ва унга буйсунганлар. Бухоро Сугдида, Бухородан ташкари Пайкенд ва Вардана мулклари булган.

7 асрнинг 2-ярмида араблар томонидан Эроннинг босиб олинганидан сунг улар Урта Осиёга, шу жумладан Сугдиёнага ҳам уз хужумларини бошлайдилар. 8 асрнинг бошларида араблар сугд мулкларининг асосий кисмини буйсундиришга муваффақ булганлар. Аммо, арабларнинг Сугдиёнадаги ҳокимияти мустаҳкам эмас эди. Арабларга карши куплаб кузголонлар юз берган. Куплаб уруш ва кузголонлар натижасида 719 йилдан бошлаб 739 йилгача Сугдиёна анча заифлашади. 8 асрнинг урталарида яна бир неча кузголонлардан сунг маҳаллий аҳолининг исломни қабул қилиш жараёни ва маҳаллий зодагонларнинг халифат ишларида қатнашиш жараёни бошланади.

8 асрнинг 70-йилларида Мовароуннаҳрда Муканна бошчилигидаги кузголон юз беради. Бу кузголоннинг бостирилганидан сунг Мовароуннаҳрда ислом қенг ёйилиб кетади.

Сугдиёнанинг археологлар томонидан урганилиши 19 асрнинг 70-йилларида бошланган эди. Бу даврда Самарқанд ҳудудидаги Афросиёб шаҳар харобаларида қазилар олиб борилди. 20 асрнинг 20-йилларигача асосан йирик урта асрлар қатлами урганилди. Аммо, илк урта асрлар қатламигача олимлар ҳали етмаган эдилар. Кейинчалик олиб борилган қазилмалар натижасида Афросиёб ҳудудида илк урта асрларга оид куплаб сопол буюмлар, терракоталар, маъбудалар ҳайкалчалари, оссуарийлар топилади. Айниқса, терракота ва оссуарийлар олимлар томонидан диққат билан урганилди.

Шунинг билан бирга олимлар томонидан археологик қазилмалар натижалари ва ёзма манбаларга таянган ҳолда шаҳарнинг тарихий топографияси урганилди. Бу соҳада айниқса академик В.В. Бартольднинг хизматлари бекиёсдир. Ул зот илк урта асрларда мавжуд булганг мулклар, шаҳарлар, қишлоқлар ва савдо йулларини ҳозирги харитада қурсатиб бердилар.

1933 йилда 8 асрнинг бошларига оид сугд ҳужжатларининг Муг тоғида (Зарафшоннинг юқори оқими) топилишидан сунг Сугдиёнага булган эътибор

ва кизиқиш янада кучаяди. Топилган хужжатларнинг асосий қисми Панжикант ҳукмдори Диваштич архивига тегишли бўлган. 1934 йилда А.Ю. Якубовский бошчилигидаги археология экспедицияси Бухоро вилояти ҳудудида казишмалар олиб борган.

1936 йилда Г.В.Григорьев ва И.А.Сухарев Самарканд атрофларини урганиб чиқиб, Самарканд шаҳридан 6 км. узоқликда жойлашган Тали-Барзуда казишмалар олиб бордилар.

Бухоро Сугди ҳудудида Варахша шаҳар харобаларида 1937 йилдан бошлаб В.А.Шишкин бошчилигида казиш ишлари олиб борилди. Бу казишмалар баъзи танаффуслар билан 1954 йилгача давом этди. Бу ерда илк маротаба сугд монументал санъатининг намуналари топилди. Варахша ҳудудида илк урта асрларга оид қаср, қухандиз ва шаҳар мудофаа деворларининг харобалари урганилди.

1936-1940 йиллар давомида қадимги Панджикент шаҳар харобаларида В.Р. Челытко бошчилигида казишмалар олиб борилди. 1946 йилдан бошлаб Панджикент кенг казишма ишлари олиб борилади. Бу казишмалар А.Ю.Якубовский бошчилигидаги Тожикистон археологик экспедицияси томонидан олиб борилди. Бу казишмалар баъзи танаффуслар билан ҳозирги давргача давом этиб келмоқда. Казишмалар натижасида қуплаб ашёвий далиллар, шаҳар ижтимоий топографиясига оид маълумотлар, ҳунармандчилик ва савдо-сотиққа оид маълумотлар аниқланди.

Шундай қилиб, Панджикент илк урта асрларга оид Сугдиёна шаҳарларидан энг яхши урганилган бўлиб қолди. Бу шаҳар орқали бошқа шаҳарларни ҳам тасаввур этиш қийин эмас.

Милоднинг дастлабки асрларида Сугдиёнада шаҳарларнинг қупчилик қисми заифлашиб қолади. Бу жараёни айниқса шаҳар топографиясида узининг аксини топган.

Мавзу № 7: Сугдиёна шаҳарлари.

Режа:

- 1.Пойкенд шаҳри.
2. Шаҳар тугрисидаги ёзма ва археологик маълумотлар.
3. Пойкенд шаҳри тузилиши ва унинг қисмлари.

Адабиётлар:

- 1.Каримов И.А. «Тарихий хотирасиз келажак йук» Т., 1998 й.
2. Г.Л.Семенов, Р.В. Альмеев, Д.К.Мирзаахмедов «Древний Пайкенд-резиденция правителей Бухары».
- 3.А.Р.Мухаммеджанов, Ш.Т.Адылов, Д.К.Мирзаахмедов, Г.Л.Семенов «Городище Пайкенд». Т., 1988 й.

Урта аср араб муаррихлари Табарий, Ибн-ал Хордадбек, Ибн ал-Факихлар асарларида «Мадина ал Тужжор», - «Савдогарлар шаҳри» дея эътироф этилган, кадимда Сугднинг «Марварид монанд» шаҳри булган, кадимги Пойкенд шаҳри Бухородан тахминан 60 км жанубий – ғарбда, Коракул тумани ҳудудида жойлашган. Бу шаҳар м.а. 4-3 асрларда Эрон билан чегара қасри сифатида юзага келган.

Ғарчанд шаҳар ижтимоий, табиий оқибатлар туфайли урта аср Сугдининг бир қатор шаҳарлари сингари, урта асрлардаёқ вайронага юз тутсада, утмиш қарига бутунлай сингиб кетмаган, узидан бой ва бебаҳо тарихни қолдирган.

Қадимги Пойкенд шаҳри тугрисида Хитой, араб муаллифлари қимматли маълумотларни ёзиб қолдирганлар.

Араб географи Истаҳрий 930-933 йиллар атрофида ёзган «Қитоб ал–масолик вал мамолик», («Йуллар ва мамлакатлар тугрисида қитоб») асарида Бухоро воҳасидаги 30 та шаҳарлар тугрисида маълумот бериб, қатталиги ва машҳурлиги сабабли Бухородан сунг иккинчи уринда Пойкенд шаҳрини тилга олиб утган.

Буюк Ипак йулида жойлашгани, қулай географик имкониятга эгаллиги боис, шаҳар халқаро транзит савдода иштирок қилишини эътиборга олиб, X асрда яшаган бухоролик тарихчи Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий узининг «Бухоро тарихи» асарида «Байкенд аҳолиси ҳаммаси савдогар булган. Улар Хитой билан ва денгиз (орқали бориладиган) мамлакатлар билан савдо қилганлар ва жуда бой булганлар», - деб ёзиб қолдирган.

X асрда битилган бир қатор тарихий манбаларда Пойканд Мовароуннахрнинг йирик савдо ҳунармандчилиқ маркази сифатида тасвирланади.

Манбалар шаҳарнинг Пойкенддан бошқа номларда ҳам аталганини ёритади. Жумладан: «Мадинат ал тужжор» («Савдогарлар шаҳри»), «Шаҳристони руин», («Жезддан қурилган шаҳар», «Мис шаҳар» ва бошқа номлар.

Бу номлар шаҳарнинг тарихий ижтимоий топографияси, географик жойлашуви, сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий ҳолатларидан келиб берилгани табиий.

Хитой манбалари Пойкендни Би номи билан атайди. Кизиги шундаки, Пойкендда ҳукмдор йук деб курсатилади.

Бу факт кейинчалик рус тарихчи нумизматлари Хромов ва Левшицларнинг Пойкенд тангаларини урганишлари туфайли бир қадар ойдинлашади. III аср ва VIII аср бошларидаги Пойкенд тангалари одатдаги танга зарб қилувчи ҳукмдорнинг номи урнига факат шаҳарнинг номи ёзилган экан.

Тадкиқотчилар Беленицкий, Бентович, Большаковлар юқорида келтирилган фактларга таянган ҳолда, III аср ва VIII аср бошларида Пойкенд, «Урта Осиёда ягона, эркин шаҳар, савдо республикаси»га айланган деган ҳулосага келишган.

Истаҳрий ва Ибн Хавқаллар Пойкенд X асрда қучли мудофаа деворлари билан уралганлигини, унда маҳорат билан қурилган жоме масжиди борлигини масжид меҳробининг олтин ва қимматбаҳо тошлар билан безалгани боис Мовароуннаҳрда унга тенг кела оладигани йуқлигини ҳам ёзиб қолдиришган.

Баъзи манбаларда Пойкенд билан боғлиқ маълумотлар афсонавий оҳангларда битилганлигини ҳам қуришимиз мумкин. Жумладан Фирдавсийнинг машҳур «Шохнома» достонида «Қайхусрав Пойкендда олов ибодатхонасини қуриб, унинг деворларига Зардуштийларнинг муқаддас китоби «Авесто»ни олтин ҳарфлар билан ёздириб қуйди».

Шаҳар атрофларида жойлашган Пойкенд работлари тугрисида ҳам манбаларда бир қатор маълумотларни учратиш мумкин.

Наршахий то 240 йилгача (854-855) Пойкендда олий иморатлар билан бирга, шаҳар дарвозалари олдида Бухоро кишлоклари сонига яъни 1000 дан ортиқ работлар қурилганини зади. Макдисий ҳам 1000 тача сада, Абдулқарим ас Самъоний работлар сони қачонлардир 3000 тагача етганини ёзиб қолдирган.

Қадимги Пойкенд шаҳри тугрисида маълумотлар тарихий манбаларда ранг-баранг қурилишларда ёзиб қолдирилсада, унинг батафсил тарихини очиб бера

олмайди. Шу сабабли ҳам шаҳар тарихини батафсил урганиш тарихчи археологлар зиммасига тушди.

XIX асрдаёқ Русларнинг Туркистон заминига кириб келиши натижасида рус тарихчи тадқиқотчиларининг бу кўҳна шаҳар вайроналари билан кизиқиши ортди.

1896 йилда В.В.Бартольд курсатмасига мувофиқ Туркистон археологиясига кизикувчилар тугараги бошқаруви Пойкенд тугрисидаги дастлабки маълумотларни туплади. Н.Ф.Ситняковский томонидан шаҳарнинг ва унда сақланиб қолган иморатлар вайроналарининг плани картага туширилди.

1903 йилда Р.Пампелли, 1913-14 йилларда Л.А.Зимин бошчилигидаги экспедициялар Пойкендда дастлабки қазувларни амалга оширган.¹⁻²

1939 йилда Қадимги Пойкенд тарихини археологик урганишлар тарихида янги этап бошланди. Россия Эрмитаж, Жаҳон маданияти тарихи институти томонидан ташкил этилган Зарафшон экспедицияси, Узкомстарис вакили В.А.Шишкин иштирокида шаҳар вайроналари ва унинг атрофларида тадқиқотлар бошладилар.

1940 йилда ҳам бу ишлар давом эттирилиб, унда таникли археологлар В.А.Шишкин, М.М.Дьяконов, А.Ю.Якубовский, В.Н.Кесаев, Н.П.Кипарисова, С.К.Кабановлар қатнашган.

1954 йилда Қадимги Пойкенднинг шаҳарга туташ қисмларини урганиш мақсадида Ўзбекистон Ф.А. тарих ва археология институтининг махсус отряди тадқиқотлар утқазди. Натижада шаҳардан шимолий шарқ томонда жойлашган қадимий некрополь (хилхона) қолдиқлари топиб урганилди.

1956 йилда Г.В.Шишкина томонидан Пойкенд яқинидаги Бодиосиё қасри қазиб очилди.

1981 йилдан бошлаб эса шаҳар харобаларида Ўзбекистон Ф.А. археология институти ва Россия давлат Эрмитажининг комплекс Бухоро экспедицияси мунтазам равишда тадқиқотлар олиб бормокда.

Хозирда фаолият юритаётган Бухоро экспедицияси таркибида
Узбекистонда таникли археолог олимлар А.Р.Мухаммаджонов,
Ж.К.Мирзаахмедов, Ш.Т.Одиловлар билан биргаликда Россиялик профессор
Г.Л.Семёнов ва унинг шогирдлари изланишлар олиб бордилар.

Бу изланишлар самараси сифатида 1985 йилда Узбекистон «Фан»
нашриётида «Городище Пайкенд» 1996 йилда Санкт Петербургда «Согдийская
фортификация V-VIII веков» монографиялари чоп этилди. Жуда куп илмий
маколалар эълон килинди.

1999 йилдан бошлаб эса Россия Давлат Эрмитажи ва Узбекистон
Республикаси Ф.А.Археология институти томонидан хар йили Санкт-
Петербургда «Материалы Бухарской археологической экспедиции» номи остида
Пойкендда олиб борилаётган археологик тадқиқотлар натижасида эълон
килинмокда.

Археологик казишлар натижасида тупланаётган материаллар Кадимги
Пойкед шаҳри тарихининг уша давр манбаларида ёритилмаган томонларини
тиклаш имкониятларини яратиб бермокда.

Пойкенд турли даврларга оид бир неча қисмлардан иборат. Бу қисмларнинг
энг қадимгиси кухандиз-цитадель саналади. Кухандиз Пойканднинг шимоли-
шарқий бурчагида жойлашган. Режа буйича туртбурчак шаклга эга кухандиз,
бошка иншоотлар устида туради. Кухандиз худудида дастлабки уй-жойларнинг
пайдо булиши эллинистик даврга (милоддан аввалги 3-2 асрлар)га оиддир.
Кухандиз мустаҳкам муҳофаа деворлари билан ураб олинган. Муҳофаа
деворларининг қалинлиги баъзи жойларда 30 метргача етган. Кухандиз
худудида 4-5 асрларга оид оташпарастиллар ибодатхонаси урганилган.
Кейинчалик кухандиз худудида ҳукмдор саройи ҳам пайдо булади. Тахминан
100 йилдан сунг кухандиздан ғарб томонда янги шаҳар қисми (шаҳристон-II)
пайдо булади. Шаҳристон-IIнинг умумий майдони 7 га тенгдир. 8 асрнинг охири
ва 9 асрнинг бошларида шаҳар ташқарисида куплаб рабат ва рабадлар пайдо
була бошлайди. Шаҳар ичкаридан магистрал кучалар орқали бир неча қисмларга
булинган. Кучалар унчалик кенг булмаган.

11 асрнинг бошларига келиб Зарафшон дарёси ирмоклари тизимининг узгарганлиги туфайли Пойкенд сувсиз қолади. Аҳоли шаҳардан кета бошлайди. Қорахонийлар ҳукмдори Арслонхон Пойкендга алоҳида канал утказишни буюради. Аммо, бу ҳаракат муваффақиятсиз чиқади ва шаҳар ҳаробаларга айланади.

Мавзу № 8: Чоч ва Илок.

Режа:

1. Сиёсий тарихи.
2. Урганилиш тарихи

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. «Тарихий хотирасиз келажак йук» Т., 1998 й.
2. Массон В.М. Средняя Азия и древний Восток. М.: Наука, 1964.
3. Саъдуллаев А.С. Кадимги Узбекистон илк ёзма манбаларда. Т.: «Укитувчи», 1996.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича Сирдарё буйида жойлашган кадимий Чоч ва Илок вилоятлари 5 асрда эфталитлар давлати таркибига кирган. 6 асрда эфталитларнинг турклар билан тукнашганларида Сирдарё буйи вилоятлари бу икки рақиб уртасидаги уруш ва жанглар сахнасига айланадилар. 6 асрнинг урталарида Хокон Санжибу даврида турклар Чоч, Фаргона ва Сугдиёна босиб оладилар. Бунинг натижасида, Чоч, Парак, Самарканд ва Сугдиёна тушкунликка юз тутди ва бир неча йиллар давомида бу вилоятларнинг таъсири камаяди. Айнан шу даврда йирик олтин ва кумуш маъданларига эга бўлган Илок Чоч таркибидан ажралиб чиқади, деб тахмин қилиш мумкин.

Турк хоконлигининг иккига бўлинишидан сунг Чоч ва Илок гарбий Турк хоконлиги таркибига кирадилар. 605 йилдаги Хокон хокимиятига қарши қутарилган кузголондан сунг бу ерда хокимият тепасига турк хокимлари- тудунлар келадилар.

Хитой сайёхатчиси Сюань Цзянь бу ердаги қуплаб шаҳарлар мавжудлиги ва бу шаҳарларнинг айрим-айрим феодаллар томонидан бошқарилганлигини таъкидлаб утади. Бу феодаллар номигагина Гарбий Турк хоконига бўйсунганлар. 7 асрнинг охири -8 асрнинг бошларида араб босқини ҳавфи тугилганида Чоч ва Илок ҳам Турк хоконлиги бошчилигидаги Мовароуннахр вилоятлари иттифокига қушилдилар.

Иттифок таркибида Чоч арабларга қарши қурашда фаол қатнашади. 712 йилда қамал қилинган Самаркандга ёрдам юборади. Бунга жавобан 713 ва 714 йилларда араблар Чочга қарши бир неча босқинчилик юришлари уюштирадилар.

Арабларга қарши қурашиш даврида Чочнинг шимолий қул ҳудудлари билан бирлашиш жараёни айниқса қучаяди. 723-724 йилларда бирлашган қучлар арабларни Сирдарё буйида мағлубиятга учратишга муваффақ бўлдилар. Фақатгина 8 асрнинг урталарига қелиб, араблар Турк хоконлигига қашатқич зарба бериб, Чочни қамал қилишга муваффақ бўлдилар. Чочнинг заифлашиб қолишидан Хитой фойдаланмоқчи бўлади. Улар ҳаттоки Чочнинг

пойтахтини босиб олиб уни вайрон этишга муваффақ булдилар. Аммо, хитойликлар 751 йилда Таласда араблар томонидан мағлубиятга учрайдилар. Шу даврдан бошлаб Чоч араб халифалиги таркибига киритилади. Чоч вилояти аҳолиси Мовароуннахр халкининг арабларга қарши олиб борган қурашида фаол қатнашади. Айнан шу ерда Муқанна қузғолонинг тарафдорлари ва сафдошлари қуп булган.

Шундай қилиб, илк урта асрлардаги Чоч ва Илок тарихини 2 даврга бўлиш мумкин: 1. 5 аср- 6 асрнинг 1-ярми- иккала вилоят эфталитлар давлати таркибига қирган.

2. 6 асрнинг 2-ярми- 8 аср- Чоч ва Илок Турк ҳоконлиги таркибида.

Биринчи даврга оид Мингурюк шаҳри арабларнинг «Чоч мадинаси» ва хитой хроникаларидаги «Шу вилоятининг пойтахти»га тугри келади. Шаҳар деворларининг узунлиги 10 лига тенг булган. Шаҳарнинг умумий майдони 35 гектарга тенг булган. Шаҳар қухандиз ва Шаҳристондан иборатдир. Шунинг хам таъқидлаб утиш керакки, қухандизнинг умумий майдони 0,5 гектар бўлиб, бу шаҳарнинг умумий майдонининг 1/70 қисмига тенгдир. Шаҳарни сув билан Салар бўлоги таъминлаб турган. Салардан шаҳарга сув олиб келадиган махсус канал қазиб чиқарилган.

Қухандиз ва шаҳар деворлари Мингурюкнинг мудоффа тизимини ташқил этган. Шунингдек шаҳарча ҳудудида ҳукмдорнинг қасри хам мавжуд булган. Бу қаср Чоч ҳудудидаги бу даврга оид энг йирик қаср мажмуаси саналади. У бир неча хоналардан иборат бўлиб, қоридорлар орқали бирлаштирилган. Мингурюк қасри 8 асрнинг бошларига қелиб, меҳмонхона, яшаш хоналари, бош қисм, дин билан боғлиқ хоналар ва ҳужалик хоналаридан иборат булган. Қаср бутунлай хом гишт ва паҳсадан қурилган.

«Чоч мадинаси»да аҳолии айниқса ҳунармандчилик билан қуп шугулланган. Ҳунармандлар металлни қайта ишлаш, улардан қурол-аслаҳа, меҳнат ва ҳужалик буюмларини ясаш билан шугулланганлар. Шунингдек улар қулардан қелтирилган ҳайвон териларини қайта ишлаш ва ипақдан турли матолар туқиш билан хам шугулланганлар. Шаҳар йирик савдо

маркази булган. Бу ерда археологик казишма ишлари олиб борилганида, гарбда Византиядан тортиб шаркда Хитойгача булган куплаб узок ва якин давлатларнинг тангалари топилган. Чоч пойтахтининг узида ҳам мустакил танга зарби мавжуд булган. Шунингдек, бу даврда Чочда маданият ҳам анча юксалган.

Турк хоконлиги таъсирида булишига карамай Чоч уз тили ва маданиятини саклаб қолишга муваффақ булган. Чочда давлат тили сугд тилининг лахжаларидан бири булган. Давлат хужжатлари, тангалардаги ёзувлар ва бошқа ёзишмалар сугд ёзувида олиб борилган. Диний жихатдан Чоч ва Илокда деҳкончилик билан боглик булган хосилдорлик культлари, оташпарастлик ва аждодлар рухига сизиниш каби дин шакллари мавжуд булган.

Чочда мавжуд булган яна бир йирик шаҳарлардан бири Чирчик дарёси бўйидаги Ханабадтепе шаҳарчаси булган. М.Е. Массоннинг фикрига кура, бу шаҳарча 10 асрда манбаларда тилга олинган Нуджкет пойтахтидан 2 фарсах узокликда жойлашган шаҳар ҳисобланади. Ёзма манбаларнинг гувоҳлик беришича бу ерда асосан қайиқчилар яшаганлар. Улар Парак (Чирчик) ва Хашарт (Сирдарё) дарёларидан утишга қайиқлар билан одамларга ёрдам берганлар ва шу орқали кун кечирганлар. Ханабадтепе шаҳарчаси милодий 6 асрнинг бошларида шаклланган. 7 асрга келиб бу шаҳар мудофаа деворлари билан уралиб, унинг шарк томонида кухандиз қурилган. Шаҳарнинг умумий майдони 34 гектарга тенг булган, кухандиз майдони 1 гектар булган. Шаҳар Чочнинг муҳим харбий ва савдо-сотик маркази булган.

Чочнинг майдон жихатидан учинчи йирик шаҳари Кугаиттепе саналади. Бу шаҳар Салар дарёси водийсида жойлашган бўлиб, ҳозирдан ундан факатгина бир қисм иншоотлар сакланиб қолган. Шаҳарнинг умумий майдони 11 гектарга тенг булган. Кугаиттепада кухандиз ҳам мавжуд бўлиб, у анча мустаҳкам қурилган. Шаҳар шаҳристони куплаб уйлардан ва хужалик

иншоотларидан иборат булган. Шахар ташкарисида оссуарийлар сакланган некрополь-кабристон мавжуд булган.

Илк урта асрларда Чоч ва Илок утрок ахолисининг асосий машгулоти дехкончилик ва богдорчиликдан иборат булган. 7-8 асрларга оид шахар ва кишлок харобалари худудида археологик казишма ишлари натижасида куплаб дон экинларининг колдиклари ва богдорчилик экинлари топилган. Экинларни сугоришда ҳам куплаб узгаришлар содир булади. Чигир ёрдамида экинларни сугориш кенг таркалади.

Хунармандчиликда тоғ иши ва металлургия катта ахамиятга эга булган. Чоч ва Илокнинг асосий руда марказлари Жанубий Чоткол ва Курамин тоғларида жойлашган эди. Илокда тоғ ишининг асосий тармоги кумуш рудасини етиштириш эди. Шунингдек, Илок 7 асрнинг бошларига келиб Урта Осиёда олтин ишлаб чиқарилиши жихатидан 2-уринда эди.

Шу давр ичида металлургияда муҳим узгаришлар содир булади. Агар, 4-5 асрларда металлни қайта ишлаш устахоналари асосан металлургия конлари яқинида жойлашган булса, 6-8 асрларга келиб ахвол узгаради. Эндиликда, металлни қайта ишлаш устахоналари асосан шаҳардаги маълум гузарларда жойлашадиган булди. Бундай устахоналар археологлар томонидан Илок пойтахти Тункентда, шунингдек, Кульота, Севилтепа, Номсиз, Кокрел, Тошбулок, Куйлуктепа каби шаҳар харобалари худудида топиб урганилган.

Металларга ишлов бериш билан боглик косиблар устахоналари Кандиктепа, Шаматепе, Севилтепа, Кургонтёпа ва Тункет шаҳар харобалари худудларида топиб урганилган.

Мавзу № 10: Уструшона

Режа:

1. Сиёсий тарихи.
2. Урганилиш тарихи

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. «Тарихий хотирасиз келажак йук» Т., 1998 й.
2. Массон В.М. Средняя Азия и древний Восток. М.: Наука, 1964.
3. Саъдуллаев А.С. Кадимги Узбекистон илк ёзма манбаларда. Т.: «Укитувчи», 1996.

Уструшона Урта Осиёдаги муҳим ва йирик марказлардан бири бўлган. Уструшона вилояти Урта Сирдарёнинг чап қирғоғидаги текисликлар, Туркистон текисликлари, Зарафшоннинг юқори оқимидаги ҳудудларни ўз ичига олган. Уструшона ғарб ва жануби-ғарбда Сугдиёна билан, шарқ ва шимоли-шарқда Хужанд ва Фарғона билан, шимолда эса Илок ва Чоч билан чегарадош бўлган.

Қадимда Уструшонанинг этник ва маданий тарихи Сугдиёна билан ҳамбарчас боғлиқ бўлган. Вилоятнинг асосий аҳолиси сугд тилли қабилалар асосида ташкил топган бўлиб, сугд тили лаҳжаларида гаплашганлар, утрок ҳаёт тарзи кечириб, деҳқончилик ва чорвачилик билан шугулланганлар. Аҳолининг қўнчилик қисми шаҳарлар, мустаҳкамланган қишлоқлар ва қалъаларда яшаганлар. Уструшаналиклар маданиятининг бошқа урта Осиё эрон тилли халқлар маданиятига ўқашлигини хитой олимлар Сюань Цзянь (7 аср) ва Хой Чаолар (8 аср) таъкидлаб ўтганлар. Сюань Цзянь ўз маълумотларида Суёб (Етгисув) ва Кеш (Қашқадарё) оралиғидаги бутун ҳудудларни Сули-Сугд деб атайдди. Бу ҳудуднинг аҳолисини Сюань Цзянь сугдийлар деб атайдди.

Уструшона тарихи тугрисида ёзма манбаларда мавжуд бўлган маълумотлар жуда қадим. Бу маълумотларнинг барчаси 19 асрнинг охирида В.В.Бартольд томонидан урганилиб, рус тилига таржима қилинган.

Уструшона тугрисидаги қисқа хабарлар Вей (386-581 йиллар) хроникасида, Суй (581-618 йиллар) ва Тан (688-907 йиллар) сулолари тарихларида, Сюань Цзяннинг (629-630 йиллар) ва Хой Чао (722 йил) сайёҳатларининг тавсифларида мавжуд. Уструшона тарихи тугрисидаги анча тулиқ маълумотлар араб, форс ва тожик тарихчилари асарларида ҳам мавжуд.

Уструшона вилоятининг номи турли манбаларда турлича келтирилган: Суйдуйшана, Судулишена, Судушина, Шуайдушана, Кобугюйна, Шимолий Цао- хитой хроникаларида; Ашрусана, Асрушуна, Усрушана, Осрушана, Сурашана, Сутрушана ва хоказолар- араб ва форс манбаларида.

Муг тоғларидаги сугд тилида битилган хужжатларнинг топилиши вилоятнинг «Уструшона» номига эка эканлиги тугрисида бизга маълумот берди.

Уструшонанинг сиёсий тарихи тугрисидаги маълумотлар ҳам манбаларда кам учрайди. Куплаб тарихий манбаларнинг тадқиқ қилиш натижасида шу нарса маълум бўлдики, сунгги антик даврга оид Буюк Урта Осиё давлатларининг булиниб кетиши натижасида Уструшона Сугд конфедерациясидан ажралиб чиқади. Бу ҳодиса 435 йил воқеалари тугрисида гап бораётган Бэйши хроникасида уз аксини топган. 5 асрнинг охири-7 асрда Уструшона эфталитлар ва Гарбий Турк ҳоконлиги таркибига кирган. Бу даврда Уструшона ички мустиқликни саклаб қолган бўлиб, уни маҳаллий ҳокимлар Ковус сулоласидан бўлган афшинлар бошқарганлар.

Муг тоғидан топилган ёзувлар ва Уструшона қалъаси Чилхуджрадан топилган ёзувларда бу сулолага оид баъзи ҳокимларнинг номлари сакланиб қолган. Қалаи Қаҳқаҳадан топилган Уструшона тангалари бу сулола вақиллари ва бутун аҳолининг тили ва ёзуви тугрисида муҳим маълумотлар беради.

6-8 асрларда Уструшона Урта Осиё халқларининг араблар босқинига қарши қурашида фаол қатнашади.

Уструшона тарихини урганиш 19 асрнинг урталаридан бошланган. 1867 йилда Уструшонага биринчи бўлиб йирик рус шарқшуноси П.И. Лерх (Джизак шаҳри яқинидаги ёзувларни урганган) илмий урганиш учун эскпедия уюштиради.

19 асрнинг 70-йилларида Шаҳристонга йирик олим А.А. Кушакевич ташриф буюриб, бу ердаги баъзи қадимий харобалар ва улар билан боғлиқ бўлган афсонларни урганган.

1890 йилда Шаҳристонга Н.С. Лыкошин келади. У биринчи бўлиб Чилхуджра қасрининг тулик режасини ва Шаҳристонда мавжуд бўлган бошқа қадимий харобаларнинг режасини тузиб чиқган. Шаҳристондаги дастлабки археологик қазилмалар 1893 йилда Ура-Тюбелик амалдор

Степанов томонидан олиб борилган эди. Казишмалар натижалари 1896 йил 16 октябрда утказилган Туркистон археология хаваскорлари йигилишида эълон килинган.

1894 йилда В.В. Бартольд Хужанддан Шахристонгача булган худудни урганиб, бу худудда Шахристон ва Чилхуджра билан боглик куплаб афсоналарни ёзиб олади. В.В. Бартольднинг таъкидлашича, Шахристон археологик жихатдан катта ахамиятга эга булган. Археологик материаллар ва 9-10 аср араб географлари ва тарихчилари маълумотларини таккослаш жараёнида шу нарса амин булдики, араблар Уструшонани унчалик яхши узлаштирмаган эдилар ва бу ерда араб маданиятининг таъсир анча паст булган.

Уструшона тарихий меросини урганишда айникса Туркистон археологлар хаваскорлар тугараги катта ахамиятга эга булган. 1896 йил 3 июлда булиб утган тугарак йигилишида Шахристон тарихига оид купрок маълумотларни туплаш кераклиги таъкидланди. Шу муносабат билан Ура-тюбе амалдори П.С. Скварский томонидан Шахристон харобаларининг режалари ва бу ердан топилган буюмларнинг руйхати тузилади. Шунингдек, П.С. Скварский Вагкат шаҳар харобаларини ҳам урганади. Унинг фикрича, бу шаҳар шох Густасп (Доро Гистасп) авлодлари томонидан узлаштирилган.

Уструшона кадимги меросини урганишда И.А. Кастанье катта ахамиятга эга булган. У бу вилоятга мувофик булган барча маълумотларни туплаб, унинг тарихини етарли даражада акс эттиришга ҳаракат килди. И.А. Кастанье томонидан Ура-тюбе ва унинг атрофларида жойлашган шаҳар харобаларининг тарихий-топографик шарҳи тузилади. Кастанье айникса шаҳарнинг сув тизимига катта эътибор берган. У Калаи Кахкаха шаҳристонининг харобаларини, Шахристоннинг урта асрдаги мудофаа деворларини, Чилхуджра калъасини урганади. 20 асрнинг бошлари ва урталарида ҳам Уструшона тарихини урганишга катта эътибор берилади.

Илк урта асрларда Уструшонада феодал муносабатлар шакллана бошлади. Бунинг муносабати билан жамият ҳаётида дехкончиликнинг

ахамияти ошиб боради. Бунга шунингдек Уструшонанинг Араб халифалиги таркибига кириши натижасида содир булган узгаришлар ҳам сабаб булган. Уструшонада арабларга карши маҳаллий аҳоли ва афшин сулоласи бошчилигидаги маҳаллий зодагонларнинг кураши натижасида исломлаштириш фақатгина 9 асрга келиб, яъни Сомонийлар даврига тугри келади. Шунинг учун айнан шу ерда бошқа Урта Осиё вилоятларига караганда купрок даврга маҳаллий урф-одатлар ва анъаналар айнан тарзда сакланиб қолган.

Бу давр Уструшона тарихининг характерли хусусияти шаҳарларнинг пайдо булиб, уларнинг кишлоклардан ажралиш жараёнининг юз беришидан иборатдир. Ёзма манбаларнинг гувоҳлик беришича, бу даврда Уструшонада 50га яқин шаҳарлар мавжуд булган. Қуйида Уструшунда археологик казишмалар натижасида аниқланган йирик шаҳарлар, тепалар комплекси, алоҳида тепалар, кишлоклар, аҳоли жойлари ва мозорлар номи келтирилади:

1. Актепе; 2. Каллахона; 3. Мирзавудтепе; 4. Карабуинтепе; 5. Юмалоктепа; 6. Кораултепа; 7. Чимбандтепа; 8. Калъаи Кухна; 9. Карнайтепа; 10. Мискинтепа; 11. Хокистарттепа; 12. Джаркубтепа; 13. Тулазардак; 14. Кули Дароз; 15. Кулалаттепа; 16. Гори Девона; 17. Калъаи Денгактепа; 18. Тепаипоин; 19. Тепаиболо; 20. Чичконтепа; 21. Мирободтепа; 22. Кораултепа-2; 23. Актепа-2; 24. Кургонтепа; 25. Суркатскиеттепа; 26. Маймунджар; 27. Октепа-3; 28. Калъаи Кофар; 29. Гилдон; 30. Калъаи Дахкат; 31. Калъаи Дахкаха; 32. Чилхуджра; 33. Уртакургон; 34. Кораултепа-3; 35. Баертепа; 36. Чилпактепа; 37. Бунджикат; 38. Ахмедбектепа; 39. Вахмтепа; 40. Актерек ва хоказолар.

Бу шаҳар, калъа ва кишлок харобалари ичида айниқса Бунджикат шаҳар харобалари (ҳозирда Шахристон районидаги Калъаи Кахкаха) археологик жихатдан яхши урганилган. Бунджикат шаҳрининг шаклланиши 7-8 асрларда юз берган. Бу шаҳар илгари мавжуд булган кушон-эфталит даврига оид иккита кишлокнинг бирлашиши натижасида юзага келган. Бу шаҳар Сарин кули (Шахристонсой) яқинида жойлашган. Шаҳар бир-биридан

дав рва шакл жихатидан фаркланадиган шахристон, кухандиз ва рабадлардан иборатдир.

Умуман олганда, Уструшона вилоятининг тарихи хали унчалик яхши урганилмаган булиб, бу мавзуда илмий изланишлар олиб бориш келажак авлоднинг асосий максоди булиши лозим.

Мавзу № 11: Тохаристон

Режа:

1. Шимолий Тохаристон
2. Жанубий Тохаристон

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. «Тарихий хотирасиз келажак йук» Т., 1998 й.
2. Массон В.М. Средняя Азия и древний Восток. М.: Наука, 1964.
3. Саъдуллаев А.С. Кадимги Узбекистон илк ёзма манбаларда. Т.: «Укитувчи», 1996.

Шимолий Тохаристон ҳозирги Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари ва Тожикистон ҳудудлари (Гиссар тоғларидан Темир дарвозагача булган ҳудуд)ни уз ичига олган. Бу вилоятнинг ҳудуди асосан тоғликлар ва водийлардан иборат булган. Тоғлар олдида куплаб майда дарё ва куллар мавжуд булиб, улар асосан Амударёнинг ирмоклари ҳисобланган.

Шимолий Тохаристон илк урта аср ёдгорликларини урганиш 20 асрнинг урталарида бошланган эди. Айникса, бу борада 20 асрнинг 30-йилларида Термиз ва Сурхондарё водийсида И.Т.Пославский ва Б.Н.Кастальский томонидан амалга оширилган ишлар катта аҳамиятга эга булган. Шунингдек, 1915 йилда П.Г. Гаевский томонидан Вахш водийси тугрисида тупланган маълумотлар ҳам анча аҳамиятлидир. 30-40-йилларда Шимолий Тохаристонни урганиш учун йирик комплекс экспедициялар ташкил этилади: 1.Термиз экспедицияси- М.Е. Массон бошчилигида; 2. Тожикистон экспедицияси- А.Ю. Якубовский бошчилигида. Бу ҳар иккала экспедиция олиб борган ишлар натижасида Шимолий Тохаристон ҳудудида куплаб илк урта асрлар даврига оид ёдгорликлар топилган. 1949 йилдан бошлаб Сурхондарёда археологик казишма ишларини Альбаум ҳам олиб боради. У 1953-1954 йилларда Болаликтепада, 1956-1957 йилларда Джумалактепада, 1961-1962-йилларда Зангтепада археологик казишма ишларини олиб боради. 1959 йилдан бошлаб Сурхондарё вилоятида Ҳамза номидаги Санъат тарихи Институти тадқиқот ишларини олиб боради. Бу ишларга Г.А. Пугаченкова бошчилик қилади.

Шимолий Тохаристон ҳудудида олиб борилган казишмалар натижасида куплаб илк урта аср шаҳар харобалари топилган. Булар орасида айникса илк урта асрларда Чағониённинг пойтахти деб ҳисобланган Бударч шаҳар харобалари катта аҳамиятга эгадир. Бу шаҳар харобаларини урганишга Т.Д. Аннаев махсус тадқиқот ишини бағишлаган эди.

Шимолий Тохаристон шаҳарлари орасида Кофирникон дарёси бўйида жойлашган Мунчактепа шаҳар харобаларида ҳам комплекс казиш ишлари олиб борилган эди.

Шимолий Тохаристон шаҳарларини урганишдан олдин улар тугрисида маълумот берувчи тарихий манбаларга бир назар солайлик.

Тарихий манбаларда Тохаристон биринчи булиб 383 йилда тилга олинган. Аммо, купчилик олимларнинг фикрича Тохаристон атамаси анча олдинроқ, милoddан аввалги 2 асрда тарихий сахнада тохарлар кучманчи кабиласининг юзага келиши билан боғлиқдир. Тохар кабилалари тугрисида хатто антик давр муаллифлари ҳам маълумот бериб утадилар. Хитой манбалари ва хроникаларида ҳам Тохаристон тугрисида куплаб маълумотлар мавжуд. Хитой манбаларида Тохаристон «Тухоло мамлакати» номи билан тилга олинади. Бу мамлакат тугрисидаги маълумотлар Бейшининг (Тань империяси даврида тузилган, 386-618 йил маълумотлари) 97-бобида, Суйшунинг 83-бобида (7 асрнинг иккинчи ярмида тузилган, 581-618 йил воқеалари), Таншунинг 221-бобида мавжуд. Шунингдек бу мамлакат тугрисидаги маълумотлар Хитой сайёхатчилари ва элчиларининг ёдномаларида, шу жумладан милoddий 7 асрда Урта Осиёга ташриф буюрган Хитой элчиси Сюань Цзянь (тахминан 633-645 йилларда Урта Осиёга сайёхат қилган) эсдаликлари ва 726 йилда Тохаристонга зиёрат учун ташриф буюрган хитойлик Хой Чао эсдаликларида мавжуд. Хитой сайёхатчиларининг маълумотлари куп ҳолларда анча аниқ ва бой маълумотларни беради. Хитой хроникаларидаги ва айниқса Суйшу ва Бейшу хроникаларида келтириладиган маълумотлар асосан баъзи бир ноаниқ шахслар томонидан келтириладиган хабарлар асосида шаклланган. Бейши хроникасининг тузувчиси Ли Яньшеу бу ҳақда шундай дейди: «Юаньвей (386-555) давридан бошлаб ҳеч ким Гарб мамлакати (Тохаристон) тугрисидаги маълумотларни жамламаган; факатгина Шимол мамлакати саройига келадиган шахсларнинг номларигина келтирилиб, уларнинг урф-одати ва анъаналарига эътибор берилмаган». Суйшу хроникасининг тузувчиси Вэйчжен (643 йилда вафот этган) қуйидаги фикрларни айтади: «Юаньвей ва Цинь (265-420) сулолари даврида Гарбий мамлакатлар

тугрисидаги маълумотларимиз анча мукаммал эди. Аммо, ҳозирги даврга келиб биз деярли бу ҳудудни урганмай қолдик».

Араб-форс манбаларида «Тоҳаристон» атамаси анча тор маънода келади. Бу манбаларда «Тоҳаристон» атамаси шимолда Амударёдан Хиндикуш тоғларигача, Балх ва Бадахшон оралигидаги ҳудуд тушунилган.

Шимолий Тоҳаристон илк урта аср шаҳар ва қишлоқларининг умумий сони 250дан ортиқдир. Бу шаҳар ва қишлоқ ҳаробаларини шартли равишда 7 гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Шаҳарлар- йирик ҳудудга эга бўлган, мудофаа деворлари билан уралган, марказида мустаҳкам қургони-кухандизи бўлган, қуплаб аҳоли маҳаллалари ва ҳунармандлар устахоналаридан иборат бўлган. Бу биринчи навбатда, илк урта асрларда майда феодал давлатчаларнинг пойтахти ва маркази бўлган. Қуҳна Термиз ҳаробалари- Бударач. Бударачдаги мудофаа деворлари ичидаги шаҳарнинг умумий ҳудуди 50-60 гектарга тенг бўлган. Шунингдек, Аҳарун мулкининг тахминий пойтахти ҳисобланган Ўзбеконтёпа (узунлиги тахминан 500 м., кенглиги 200-250 м.), Гиссар қургони, Қуҳна Душанбе шаҳар ҳаробалари ва ҳоказолар. Умуман олганда, Шимолий Тоҳаристон ҳудудида бу гуруҳга мансуб бўлган 30га яқин шаҳар ҳаробалари топилган. Одатда уларга яқин бўлган жойда рабодлар ва работлар, феодал қургонлари ва ҳоказо қалъалар жойлашган. Масалан бунга мисол қилиб, Бударач атрофидаги Қарақезтёпа (40х30 м.), Қултёпа (50х50 м), Чағанактёпа (90х80 м.) ва ҳоказоларни келтириш мумкин. Бу тёлаларнинг аҳолиси ҳарбий тажовуз ҳавфи бўлганида шаҳар мудофаа деворлари ичидан паноҳ топганлар.

2. Қургонлар- мудофаа деворлари билан уралган (ичида қитадели бўлган ёки бўлмаган), ичидаги аҳоли иншоотларининг сони унчалик қуп бўлмаган қичик ҳудудга эга бўлган. Бунга мисол қилиб, Қуйи Ўртабоз ва Ўтенқалъа (200х200 м.) ёдғорлиқларини келтириш мумкин.

3. Қалъа ва қасрлар- яхши мустаҳкамланган алоҳидаги турадиган иншоотлар мажмуи. Уларга қуплаб иншоотлар, шу жумладан, ҳужалик, ҳунармандчилик, диний ва ҳоказо иншоотлар қирган. Бу қасрларнинг

умумий хажми 80x80 дан 20x20 м.гача булган. Буларга мисол килиб, Джумалактепа (30x30 м.), Балаликтепа (30x30 м.), Зангтепа (60x60 м.), Кувекургон (18x20 м.)ларни келтириш мумкин.

4. Мустахкамланган феодал кургонлари- мудофаа иншоотлари билан уралган айвон ва хужалик иншоотлардан иборат булган. Бунга мисол килиб, Вахш водийсидаги Тоштепа (48x45 м.) ва Каунтепа (150x150 м.); Сурхондарё водийсидаги Игритепа (100x60 м.)ни келтириш мумкин.

5. Мудофаа деворлари билан уралмаган аҳоли маконлари ва кишлоklar. Баъзи вақтларда бундай хилдаги аҳоли жойларининг ҳудуди анча кенг майдонни уз ичига олган (10 гектаргача). Бунга мисол килиб, Кафир канали бўйидаги Кухна-Шахр аҳолии маконини келтириш мумкин.

6. Мудофаа деворлари билан мустахкамланмаган калъалар- бу калъалар асосан мустахкам шаҳар ва кургонларга яқин жойда жойлашган. Улар алохида-алохида бўлиб турган. Бунга мисол килиб Чоргултепадаги К6 (55x55 м.) ва К7 (50x30 м.) калъаларини келтириш мумкин.

7. Махсус қурилган иншоотлар. Уларнинг режаси ва ҳажми узига ҳосдир. Уларга мисол килиб асосан турли хил диний базмлар билан боглик иншоотларни келтириш мумкин. Масалан, Аджинатепандаги буддавийлик ибодатхонаси. Бу ибодатхона режаси мукаммал бўлиб, бир неча иншоотлар мажмуасидан иборатдир. Уларнинг умумий майдони 100x50 м. Яна бир мисол килиб, Чағониёндаги Чор-Дингак тепасини келтириш мумкин. Бу тепа тузулиши ва режаси жихатидан буддавийлик ибодатхоналарини эслатади.

Шимолий Тохаристондаги асосий археологик ёдгорликлар: 1. Хиштепа (буддавийлик ибодатхонаси); 2. Болдайтепа (аҳоли макони); 3. Кургонтюбен шаҳар харобалари; 4.Аджинатепа; 5. Уртабоз; 6. Кафиркалъа; 7. Калъаи Шодмон (шаҳар); 8. Шишихона (шаҳар); 9. Гиссар калъаси; 10.Калъаи Кофирнигон (шаҳар ва унинг ичида буддавийлик ибодатхонаси); 11. Ширкент; 12. Харкуш аҳоли макони ва қабристони; 13. Калъаимир; 14. Мунчактепа; 15. Шуртурмулло (буддавийлик ибодатхонаси); 16. Будрач (шаҳар харобалари); 17. Биттепа; 18. Чаянтепа (шаҳар харобалари); 19.

Яхшимбайтепа; 20. Лоилаган; 21. Боботепа; 22. Кучуктепа; 23. Хайрабодтепа; 24. Болаликтепа; 25. Зангтепа; 26. Исми номаълум шаҳар.

Юкори Тохаристондаги асосий археологик ёдгорликлар:

1. Кафиркалъа (олов ибодатхонаси); 2. Патхур (кишлоқ); 3. Джумангаз (калъа); 4. Доркишт; 5. Рин (калъа); 6. Каахка (калъа); 7. Мизилдигар (кабристон); 8. Змудг (кабристон); 9. Ямчун (кабристон); 10. Тиун (кабристон); 11. Вранг (буддавийлик ибодатхонаси); 12. Зонг (олов ибодатхонаси); 13. Ратм (калъа); 14. Шаҳдара дарёси бўйидаги калъа; 15. Гунт дарёси бўйидаги калъа.

Мавзу № 9: Сугдиёна шаҳарлари.

Режа:

- 1.Панжикент шаҳри.
2. Шаҳар тугрисидаги ёзма ва археологик маълумотлар.
3. Панжикент шаҳри тузилиши ва унинг қисмлари.

Адабиётлар:

- 1.Каримов И.А. «Тарихий хотирасиз келажак йук» Т., 1998 й.
- 2.
- 3.

Кадимги Панжикент шаҳрининг харобалари Самарканддан 60 км. шарқда ҳозирги замонавий Панжикент шаҳри (Тоҷикистон Республикаси) яқинида жойлашган. Айнан шу ерда Зарафшон дарёсининг юқори оқимида кадимги Сугд шаҳарларининг энг кадимгиларидан бири Панжикент шаҳри юзага келган. Бу ҳудуд археологик казишмалар олиб борилгунга қадар ҳужалик ишларида ишлатилган. Панжикент қухандиз ва шаҳристондан иборат булган. Шаҳристоннинг умумий ҳудуди 19 гектардир, мудофаа деворларининг умумий узунлиги- 1750 метрдир. Шаҳристоннинг мудофаа деворлари ғакатгина шимолда ва шарқда тугри шаклга эгадир.

Шаҳристондан ғарб томонда тепалиқда шаҳар қухандизи жойлашган. Қухандиз- Панжикент ҳукмдорининг резиденцияси булган. Қухандиз баландлиги 30 метрга етадиган тепалиқда жойлашган булиб, шаҳристондан сой билан ажратилган. Шаҳристондан шарқда ва жануби-шарқда рабадлар ва феодалларнинг қасрлари жойлашган. Шаҳристондан жанубда некрополлар- зардуштийларга ҳос наус-қабрлари топилган. Олимларнинг фикрича айнан шу ерда некрополь жойлашган.

Панжикентнинг шаҳристони бир неча қучаларга булинган. Бу шаҳар магистралларининг кенглиги 3-5 метр булган. Бу қучалар қупинча бир- бирига параллел булган, баъзи вақтларда қушилиб кетган. Қучаларнинг икки томонида турли хил уй-жойлар, ҳужалик ва савдо-хунармандчилик қорхоналари жойлашган.

Шахарнинг шимолий кисмида йирик майдон мавжуд. Бу майдондан гарб томонда 2та тепалик мавжуд. Олимларнинг фикрича бу тепаликлар ибодатхоналар булган (жанубий ибодатхона №1, шимолий ибодатхона №2). Ибодатхона комплекслари 2 кисмдан иборат булган: ибодатхонанинг узи ва уни ураб турган турли хужалик ва хоказо уй-жойлар. Ибодатхоналар айнан шу хужалик уй-жойларининг уртасида жойлашган. Ибодатхонанинг ичкараси турли накшлар ва расмлар билан безатилган.

Шахарда 722 йилда йирик ёнгин содир булган. Бу ёнгин натижасида шаҳардаги куплаб иншоотларга путур етказилган. Баъзи олимларнинг фикрича бу ёнгин анча кейинрок 738-739 йилда содир булган. Тахминан, 8 асрнинг 40-йилларида шаҳар яна тикланади. Аммо, кейинчалик 8 асрнинг 70-йилларида Панжикент яна араб кушинлари томонидан босиб олинади ва вайрон этилади. Бу ходисани олимлар Муканна кузголони билан боғлайдилар. Амалга оширилган вайронгарчилик натижасида шаҳарда ҳаёт тухтаб қолади.

Мавзу № 5: Урта Осиёдаги кадимги давлатларнинг Ахамонийлар томонидан босиб олинishi.

Режа:

1. Кир II ва Доро I харбий юришлари. Тумарис ва Широқ. Геродотнинг «Тарих» асаридаги маълумотлар .
2. Ахамонийларга қарши Парфия ва Маргиёнадаги қузғолонлар.
3. Милоддан аввалги 540-522 йилларда юз берган тарихий жараёнлар.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. «Тарихий хотирасиз келажак йук» Т., 1998 й.
2. Массон В.М. Средняя Азия и древний Восток. М.: Наука, 1964.
3. Саъдуллаев А.С. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. Т.: «Ўқитувчи», 1996.
4. Хрестоматия по истории Древнего Востока, Ч.2, М., 1980, Раздел «Иран и Средняя Азия».
5. Историки Античности, 2 китобда. 1-китоб. М.: «Мысль», 1982.
6. Саъдуллаев А.С. «Усадьба Древней Бактрии». Т., «Фан», 1987.

Эронда дастлабки давлат бирлашмаларининг ташкил топиши милоддан аввалги 9-7 асрларга оиддир. Милоддан аввалги 9-7 асрларда Эроннинг

куплаб худудлари Оссурия ва Урарту давлатлари таркибига кирар эди. Милоддан аввалги 8-7 асрларда Эроннинг шимоли-ғарбий худудлари Маней подшолиги ҳокимияти остида бирлаштирилган эди.

Милоддан аввалги 6 асрда Лидия подшолиги урнига Ахамонийлар давлати юзага келади.

Ахамонийлар подшолигининг асосчиси бир гуруҳ форс кабилаларининг подшохи Кир II (Куруш) эди. Дастлаб у Лидия подшолиги тобелигида бўлган.

Кир куплаб урушлар олиб борган. Дастлаб у авваллари Лидия подшолиги таркиби кирган худудларни босиб олади.

Кир фаолияти дастлабки даврининг натижалари: Ахамонийлар давлатининг кучайиши, моддий ва аҳоли ресурсларининг бирданига купайиши ва ҳоказолар. Буларнинг барчаси Кир орзу қилган йирик қудратли давлат тузишга замин яратиб берди.

Лидияни босиб олгандан сунг, Геродотнинг сузларига кура: «Кирнинг йулида Бобил, Бактрия халки, саклар ва мисрликлар турган эди. Улар билан урушларда у узи қушинга раҳбарлик қилмоқчи эди». Бундай режалар тасодифий ҳол эмас, албатта. Кир Урта Осиё халқларининг ҳарбий жихатдан қудратли эканлиги ва яхши тайёргарликлари тугрисидаги маълумотларга эга эди. Шунинг учун у Урта Осиёликларга қарши урушда ҳаттоки унғ энг яқин бўлган ҳарбий саркардаларга қушинга қумондонлик қилишни топшира олмас эди.

Урта Осиё босиб олинishi тугрисидаги аниқ маълумотлар ҳозиргача сақланмаган.

Урта Осиёнинг Кир томонидан босиб олинishi тугрисидаги баъзи маълумотлар Ктесий асарларида мавжуд. Унинг ёзишича, «Кир бактрияликлар билан уруш олиб борган. Аммо, урушда томонларнинг биронтаси ғалаба қозонолмаган». Факатгина, Ахамонийлар давлати қудратининг мустаҳкамланиши тугрисидаги маълумотларни эшитганларида бактрияликлар жангсиз Қирга таслим бўлишди.

Шунингдек бу урушлар тарихини урганишда Доро даврида тоғ қоясида ишланган Бехистун ёзувларининг маълумотлари ҳам анча қимматлидир. Бу ёзувларда Доронинг тахтга утириш даврида Ахамонийлар давлати худуди ва унга кирган вилоятларни билиб олиш мумкин. Аммо, шуни ҳам унутмаслик керакки Қирнинг улими ва Доронинг тахтга утириши ораллигидаги даврда (милоддан аввалги 530-522 йиллар) ахамонийлар Урта осиеёнинг янги вилоятларини босиб олиш билан эмас, балки Мисрни босиб олиш ва ички муаммолар билан банд эдилар.

Бизда мавжуд бўлган барча манбаларда қелтирилган маълумотларни ҳисобга олиб Қирнинг Парфия, Бактрия, Хоразм ва Сугдиёғани босиб олганлигини тахмин қилиш мумкин.

Милоддан аввалги 539 йилда Қир Бобилни босиб олади. Шундан сунг у Мисрга юришни режалаштиради. Аммо, давлатнинг шимоли-шарқий худудларидаги яъни Урта Осиёдаги вазият унга Миср юришини бошлашга имкон бермади. У бу вазиятга барҳам бериш учун Урта Осиёга янги ҳарбий

юриш уюштиради. Кушинларга узи кумондонлик килган Кир бу юришда Урта Осиёнинг кудратли кучманчи халкларини буйсундирмокчи эди.

Бу юриш тугрисидаги маълумотлар куплаб антик муаллифлар асарларида сакланган. Аммо, бу маълумотлар бир-бирига карама-каршидир. Уларнинг бири: «Араксдан утган Кир Тумарис бошчилик килган массагетлар юртига бостириб киради». Иккинчи манбада келтирилган маълумот: «Кир Тумарис бошчилик килган скифлар билан уруш олиб борган». Учинчи маълумот: «Кир дербиклар билан уруш олиб борган» ва хоказолар.

Шунингдек бу юриш ва унинг натижалари тугрисидаги маълумотлар Геродот ва Трог-Юстин асарларида ҳам мавжуд. Аммо, бу маълумотлар орасида Геродотнинг хикояси энг кенг маълумотли булганлиги учун биз уни келтирамиз:

Дастлаб Кир махсус элчилар оркали Тумарисга унинг хотини булишни таклиф килди. Аммо, Тумарис Кирнинг унга эр булишини эмас, балки массагетларга хукмдор булиши хохлаганлигини тушунди ва Кирнинг таклифини рад этди. Тумариснинг угли Спарангиз эди. У жанг пайтида улдирилмади. Балки, форсларга асирга тушиб уз жонига касд этган.

Мавзу № 6: Милодий 6-7 асрларда Урта Осиё шахарлари. Археологик маълумотларни куриб чикиш.

Режа:

Адабиётлар:

- 1.Каримов И.А. «Тарихий хотирасиз келажак йук» Т., 1998 й.
- 2.Массон В.М. Средняя Азия и древний Восток. М.: Наука, 1964.
3. Саъдуллаев А.С. Кадимги Узбекистон илк ёзма манбаларда. Т.: «Укитувчи», 1996.
- 4.Хрестоматия по истории Древнего Востока, Ч.2, М., 1980, Раздел «Иран и Средняя Азия».
- 5.Историки Античности, 2 китобда. 1-китоб. М.: «Мысль», 1982.
- 6.Саъдуллаев А.С. «Усадьба Древней Бактрии». Т., «Фан», 1987.

Милодий 6-8 асрларда Урта Осиёда нечта шаҳар булганлигини аниқ айтиш мушкулдир. Бу давр муаллифларининг асарларида Урта Осиё куплаб

шахарларга эга улка деб эслатилади. 1950 йилда чикган В.А. Лавров монографиясида археологик маълумотларга таянган холда 6-8 асрларда Урта Осиёда 20 тага якин йирик шаҳар мавжудлиги айтиб утилади. 1961 йилда В.Л. Воронина бу руйхатни яна бир нечта шаҳарга кенгайтиради. Аммо, шуни ҳам алоҳида таъкидлаб утиш жоизки бу муаллифлар томонидан археологик нашрларда чоп этилган барча шаҳарлар тугрисида маълумотлар келтирилмаган. Масалан, 1954 йилда Г.И Пацевич жанубий Козогистоннинг узида 20 дан ортик шаҳарлар мавжудлиги таъкидлаб утади. У 7 асрга оид 35 шаҳар ва 7-9 асрларга оид 65 шаҳарлар руйхатини келтиради.

